



## РОСТИН АЙТСАМ, КЎКСИМДАГИ ДИЛИМ ЯНГИ

“Янги Ўзбекистон” боғида Наврўз байрамига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди



Наврўз — шарқона йил боши. У табиат томонидан тайин этилган байрам. Наврўзда ёруғлик галаба қилиб, кун узаяди. Кўёш тафти табиятни уйғотади. Деҳқонлар яхши ният ила ерга уруғ қадайдди. Богбонлар ниҳол экади. Бутун эл қўлини дуога очиб, дарёлар сувга, хирмонлар донга тўлишини сўрайди. Бу улуг кунда инсон қалби ҳам кўёшдай порлайди. Яхшилик қилиш соғинчи тугилади. Қалбимиз табиятда бўлгани каби янгиликни эҳтиёж сезади. Инсон ва табиат бир бутун эканини теран ҳис қилади. Шулар ҳақида ўйлар эканман, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Наврўз кўшиги” шеъри ёдга тушади:

*Бир куртакка алмашим бор  
ҳасратимни,  
Олам эски, лекин ўнгу сўлим янги.*

Бенхтиёр ҳамроҳларимга қарайман. Уларнинг юз-кўзида қувонч, сурурли кунлардан масрурлик балқиб турибди. Айни дам олдиндаги манзил — “Янги Ўзбекистон” боғида элтадиган раван йўлда улловимиз елиб боради. Байрам тадбирига келаётганлар орасида сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат намояндлари, тадбиркорлар, нурунийлар, ёшлар, худудлардан

келган меҳмонлар, хуллас, кенг жамоатчилик вакиллари бор. Улар қаторида биз ҳам боққа кириб борар эканмиз, атрофдаги гўзаллик, яшил олам диққатни тортади. Катта йўл чети ва боғ худудига деярли бир вақтда кўчат қадалган эди. Улар кўзимга бирдан ён-атрофга соя ташлайдиган катта дарахтга айлангандай кўринади. Ваҳоланки, ҳар куни шу йўл орқали уй ва ишхонам орасида қатнайдим. Кўравериб, кўз кўникиши рост экан. Доим шу ердан ўтганим боис, кўзим ўрганган. Энди Наврўз сабаб атрофга синчиқлаб назар ташлаганимда, ҳаётимизда қанчалик катта ўзгаришлар

бўлганини ҳис этаман. Бу натижаларга эса “Авесто”да битилганидек, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал ила эришиб келаётганимиз ҳам рост. Шукрки, бу ўлмас ақида ҳар биримизнинг ҳаётимизга кўчиб ўтмоқда. Наврўзнинг абадийлиги сири ҳам ўша эзгуликка эш экани билан боғлиқ. Токи замин узра кўёш порлар, фаслар алмашар, инсон қалбиди яхшилик соғинчи эртанги кунга бўлган ишонч барқарор экан, Наврўз яшайверади! Муаззам “Янги Ўзбекистон” боғида ташкил этилган байрам тадбирида Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизга Наврўз табригини йўллади.

“Наврўзи олам 3 минг йиллик давлатчилигимиз тарихида ўзининг беқиёс маънавий аҳамияти билан ҳамisha алоҳида эътибор топган буюк байрамдир. ...Наврўзнинг бетакрор гўзаллиги, инсонпарварлик руҳи ва теран фалсафаси глобаллашув даврида ҳам бутун башариятни ҳайратга солаётгани унинг азалий моҳияти ва ҳаётбахш кучидан далolat беради”, деди давлатимиз раҳбари. Бу сўзларни тинглаб, рўпарамдаги чўққига кўз тикаман. Елкасида кўёш балқиб турган тоғлар мағрур боқади. Оқ соч тоғлардан берида ўнга яқин юк кранлари кўринади. Улар “Оқ теракми, кўк терак?”

ўйнаётган болалардай бир-бирига “қўл” чўзган. Бу техникалар ёрдамида Янги Тошкент бунёд этилмоқда. Шунинг ўзиёқ тинчлик ва фаровонлигимиз белгисидир. Юк кранларидан берида — Мустақиллик монументи узра варрақлар парвози кўзни қувнатади. Байрам тадбири бўлаётган майдон четида эса дор тортилган. Унда лангарчўп ушлаган дорбоз бола у ёқдан-бу ёққа бориб келиб, ўйин кўрсатади. Дорбозлик ҳам Наврўз каби қадим қадриятимиз. Дорда юриш орқали аждодларимиз ўзининг нечоғлиқ эпчил ва кўркам эканини кўрсата олган.

➔ Давоми 3-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Мухтарам фахрийлар, қадри ёшлар! Мунис опа-сингиллар, хурматли меҳмонлар! Сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни қадимий ва ҳамisha навқирон байрам — Наврўзи олам билан чин юракдан самимий муборакбод этаман. Бугунги мунаввар кунни элу юртимиз билан тинч ва хотиржам кутиб олаётганимиз учун Яратганга чексиз шукроналар айтаман. Бу йилги Наврўз муқаддас Рамазон ойида, унинг табаррук фазилатларига уйғун ҳолда ўтаётгани байрамга алоҳида руҳ, ўзгача фойз ва қувонч бағишламоқда.

Қалбларимиз шодликка тўлган шундай барокатли кунларда юртимиз мўмин-муслимонларини, бутун ислом умматини Рамазон шариф билан яна бир бор қутлаб, жамик пок ниятларимиз ижобат бўлишини тилаймиз. Хорижий мамлакатларда она юрт меҳри ва соғинчи билан яшаётган ватандошларимизни ҳам чин дилдан табриклаб, самимий тилакларимизни изхор этаман. Шундай шукўҳли ва улуг кунлар барчамизга муборак бўлсин! Қадри дўстлар! Наврўзи олам 3 минг йиллик давлатчилигимиз тарихида ўзининг беқиёс

маънавий аҳамияти билан ҳамisha алоҳида эътибор топган буюк байрамдир. Ушбу бебаҳо айём ҳақида битилган илмий-тарихий ва бадиий асарлар шу қадар кўпки, улар ҳақли равишда миллий меросимизнинг ўлмас дурдоналарига айланган. Халқимиз асрлар давомида оғир ва машаққатли, синови пайтларда ҳам бу байрамни олижаноб табиати ва қадриятлари билан асраб-авайлаб келгани чинакам мўъжизадир. Наврўзнинг бетакрор гўзаллиги, инсонпарварлик руҳи ва теран фалсафаси глобаллашув даврида ҳам бутун башариятни ҳайратга солаётгани унинг азалий моҳияти


ва ҳаётбахш кучидан далolat беради. Айниқса, инсоннинг табиат ва борлик билан уйғунлиги, яратувчанлик иштиёқи, гайрат ва шижоати, ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ва саховат каби олижаноб фазилатлари Наврўз тимсолида янада ёрқин намоён бўлади. Наврўз кунларида бободоҳқонларимиз ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз қут-баракатини ўйлаб, она заминга ўз меҳрини беради, мўл ҳосил олиш ниятида қаттиқ бел боғлайди. Шу маънода, Мир Алишер Навоий бобомизнинг “Деҳқонки, дон асочар, ерни ёрмоқ билан ризқ йўли очар”

деган сўзларида чуқур ҳаётий маъно мужассам. Кўнглимизда меҳнат ва ижод, уйғониш ва яшарш завқи тобора кучайиб бораётган мана шундай бахорий лаҳзаларда миришкор деҳқон ва фермерларимиз, боғбон ва чорвадорларимизга алоҳида эҳтиром изхор этаман. Ҳеч шубҳасиз, юксак бунёдкорлик руҳи Янги Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар ва жадал ўзгаришларнинг асл мазмуни ҳамда эзгу гоёларига ҳамоҳангдир. Бугун мамлакатимизда инсон қадрини улуглаш, ижтимоий адолат тамойилларини

мустаҳкамлаш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш йўлида қатъий қадамлар қўймоқдамиз. Юртимизда кўплаб замонавий sanoat тармоқлари, автомобиль ва темир йўллар барпо этилмоқда. Бизнес, IT ва туризм соҳалари жадал ривожланмоқда. Минглаб янги иморат ва уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳлар, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз қиёфаси тобора гўзал ва обод бўлиб бормоқда.

➔ Давоми 2-бетда

Инсоният тарихидаги энг қадимий байрамлардан бири — табиат уйғониши, янги ҳаёт ва яшариш рамзи бўлган, кўпмиллатли халқимизга хос бўлган эзгулик, меҳр-оқибат, саховат ва ғамхўрлик, бунёдкорлик, она замин ва ғамхўрлик, мухитга эҳтиёткорона муносабат каби фазилатларни ўзида мужассам этган Наврўз байрами кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбобларидан самимий табриклар келмоқда. Хорижий ҳамкорлар ўз мактубларида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осейишталик, барқарор ривожланиш, дўстлик, тотувлик ва яхши қўшничилик муҳитини юқори баҳоламоқда. Тинчликсевар ва прагматик ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётгани алоҳида таъкидланиб, Янги Ўзбекистонга раванқ тилаклари изхор этилган.



**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Шавкат Мирзиёев  
Жаноби Олийларига**

Хурматли Шавкат Миромонович! Баҳор айёми — Наврўз муносабати билан энг самимий табрикларимни қабул қилгaysiz. Россия — Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида муваффақиятли ривожланмоқда. Биргаликдаги сый-ҳаракатларимиз билан ўзаро манфаатли икки томонлама алоқаларни бундан буйён ҳам дўст халқларимиз фаровонлиги, Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва барқарорликни


мустаҳкамлаш йўлида фаол ривожлантирашимиз деб ишонаман. Ушбу қутлуг айёмда Сизга, мухтарам Шавкат Миромонович, чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман. Хурмат билан,  
**Владимир ПУТИН,  
Россия Федерацияси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Шавкат Мирзиёев  
Жаноби Олийларига**

Мухтарам Президент жаноблари! Ўзбек халқининг анъанавий Наврўз байрами муносабати билан Хитой ҳукумати ва халқи ҳамда ўз номимдан Сизни, Ўзбекистон ҳукумати ва халқини самимий муборакбод этаман. Минг йиллик тарихга эга Наврўз баҳор келиши ва табиат уйғонишини ифодалаб, ўзбек халқининг бахтли ҳаётга, эл-юрт бирлигига ва раванқига интилишини акс эттиради. Ўтган йил июль ойида Остонада бўлиб ўтган ШХТ саммити доирасида самимий ва дўстона учрашувимизда Хитой — Ўзбекистон муносабатлари ва турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича муҳим келишувларга эришдик, икки томонлама алоқаларнинг янги йўналишларини белгилаб олдик. Эришилган келишувларимиз самарали амалга оширилаётгани, икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил

мустаҳкамланиб, эътиборга лойиқ натижалар бераётганини мамнуният билан таъкидлайман. Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта аҳамият бераман ва яқин дўстлигимизни юксак қадрлайман. Сиз билан биргаликда барча соҳалардаги ҳамкорликни илгари суриш, Хитой ва Ўзбекистоннинг ягона тақдир ҳамжамиятини барпо этиш ишларини бойитиш учун ҳаракат қилишга тайёрман. Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, Жаноби Олийлари, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилайман. Хурмат билан,  
**Си Цзиньпин,  
Хитой Халқ Республикаси Раиси**



**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Шавкат Мирзиёев  
Жаноби Олийларига**

Мухтарам Президент жаноблари! Америка Қўшма Штатлари халқи номидан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини ажойиб Наврўз айёми билан табриклайман. Бу барча учун тинчлик, фаровонлик ва янгиликни байрамдир. Мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам ришталар ўрнатилаётганлигини юксак қадрлайман ва Сизнинг изчил ислохотлар дастурингизни олқишлайман. Савдо алоқаларимизни кенгайтириш ва замонамизнинг энг йирик муаммоларини ҳал этиш йўлида ҳамкорлик қилишни интиқлик билан кутаман. Буюк давлатларимиз раванқ сари интилаётган бир пайтда Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва худудий яхлитлигини доимо қўллаб-қувватлашга содиқ бўлиб қолади. Наврўз муборак! Чин дилдан,  
**Дональд ТРАМП,  
Америка Қўшма Штатлари Президенти**

➔ Давоми 2-бетда



# САМИМИЙ КЎТЛОВЛАР

Бошланиши 1-бетда



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.  
Наврўз айёми муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий кўтловларимиз ва эзгу истакларимизни йўллаб, Сизга сўхат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон ҳукумати ва халқига давомий тараққиёт ҳамда раванқ тилашдан мамнунимиз.

Юксак эҳтиром ила,  
**Салмон бин Абдулазиз ОЛ САУД,  
Саудия Арабистони Подшоҳи**



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.  
Наврўз байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий кўтловларим ва эзгу истакларимизни йўллаб, Сизга сўхат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон ҳукумати ва халқига янада тараққиёт ҳамда раванқ тилашдан мамнуниман.

Юксак эҳтиром ила,  
**Мухаммад бин Салмон бин Абдулазиз ОЛ САУД,  
Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси**



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент жаноблари, азиз қардошим!  
Табиат қайта жонланган, тупроқ уйғонган ва умидлар куртак отган Наврўз байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига энг самимий табрикларимни йўллаймиз.

Асрлик қадим анъанамиз Наврўз — тинчликнинг, биродарликнинг ва бирдамликнинг аҳамиятини бу йил ҳам эслашимизга имконият яратмоқда. Наврўзнинг дунёда тинчликка бўлган умиднинг куртак очгани, халқаро мулоқот ва ҳамкорликнинг янги қирралар очган пайт хушхабарини келтиришини чин юракдан тилаб қоламан. Мамлакатларимиз ўртасидаги чуқур илдириш ҳамда дўстлик ва биродарлик ришталарининг мустаҳкамланиши, ҳамкорлигининг янада кучайиши бу Наврўзда ҳам самимий орзуларимиз ила йўғрилган.

Ушбу мазмуни кун муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига сўхат-саломатлик, бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, омонлик ва фаровонликка тўла келажак тилаб қоламан.

Режеп Таййип ЭРДОҒАН,  
Туркия Республикаси Президенти



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Сизни ва қардош Ўзбекистон халқини улуг айём — Наврўз байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу мамлакатларимизни кўп асрлик дўстлик, ўзаро англашув ва ҳурмат анъаналари билан боғлайдиган, шунингдек, табиатнинг янгилиниши ва тикланишининг рамзи бўлган ёрқин байрамдир. Ушбу файзли кунда халқларимиз бирдамлик ва фаровонлик йўлида бирлашсин.

Наврўз байрамининг муқаддас қадриятлари давлатлараро алоқаларимизни янада ривожлантириш, халқларимиз фаровонлиги йўлида юксак мақсад ва вазифаларни амалга оширишга хизмат қилишига қатъий ишонаман.

Ушбу кўтлуг айёмда Сизга, мухтарам Шавкат Мирмонович, мустаҳкам соғлиқ, битмас-туганмас куч-ғайрат, оилангизга бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва раванқ тилаймиз.

Энг яхши тилаклар билан,  
**Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,  
Қозоғистон Республикаси Президенти**



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига


Хурматли Шавкат Мирмонович!  
Сизни ва қардош Ўзбекистон халқини гўзал Наврўз байрами билан самимий муборакбод этаман.

Бу ёрқин ва қувончли байрам баҳорда табиат уйғониши, бирлик ва дўстлик, тинчлик ва фаровонлик рамзидир. У халқларимизни боғлаб турган кўп асрлик дўстлик ва ўзаро англашув анъаналарини ифода қилади, умумий тарихга асосланган қардошлик муносабатларини мустаҳкамлайди.

Ишончим комил, ўзаро ҳурмат, ишонч ва стратегик шерикликка асосланган ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам барча даражада биргалликдаги сўхат-саломатлик тарзида давом этиб, халқларимизнинг порлоқ келажакка хизмат қилади.

Мухтарам Шавкат Мирмонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига эса тинчлик ва раванқ тилашга ижозат бергайсиз.

Хурмат билан,  
**Садир ЖАПАРОВ,  
Қирғиз Республикаси Президенти**




## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!  
Халқаро Наврўз байрами муносабати билан энг эзгу ва самимий тилакларга йўғрилган самимий кўтловларимизни қабул қилгайсиз.

Қадимий тарихга эга ушбу байрам маданий мерос ва кўп асрлик анъаналаримиз муштараклиги ифодаси сифатида уни нишонлайдиган халқлар ўртасидаги алоқаларни тинчлик ва ҳавфсизлик, яхши кўшничлик, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш ғоялари асосида мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Хурмат билан,  
**Масъуд ПЕЗЕШКИЁН,  
Эрон Ислому Республикаси Президенти**



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Наврўзнинг боқий бунёдкорлик анъаналари бизни халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида тинимсиз сўхат-саломатлик қилишга ундайди.

Тожикистон томони Ўзбекистон билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик доирасидаги давлатлараро муносабатларнинг бугунги даражасидан мамнун.

Ишончим комил, мамлакатларимиз ушбу қадимий байрамнинг юксак умуминсоний қадриятларига таянган ҳолда, кўп қиррали муносабатларини мазмунан бойитиш йўлида бундан буён ҳам биргалликда ҳаракат қиладилар.

Ушбу кўтлуг кунларда Сизга мустаҳкам соғлиқ ва масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги зафарлар, мамлакатингизнинг қардош халқига эса бахт-саодат, фаровонлик, тинчлик ва барқарорлик, изчил тараққиёт ва раванқ тилаймиз.

Наврўз муборак!  
Чуқур ҳурмат билан,  
**Эмомали РАҲМОН,  
Тожикистон Республикаси Президенти**




## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!  
Халқаро Наврўз байрами муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни йўллаймиз.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида кенг нишонланадиган ушбу гўзал байрам баҳорнинг бошланиши ва табиатнинг уйғонишини англатади. Наврўз байрами турли халқлар ва маданиятлар ўртасидаги яхши кўшничлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаети. Ушбу ёрқин байрам умид рамзи бўлиб, бугунги дунёда инсонпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга ундайди.

Мазкур ажойиб байрам Сиз ва бутун мамлакатингиз халқи учун бахт, қувонч ва янги муваффақиятлар олиб келсин!  
Чуқур ҳурмат билан,  
**Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,  
Туркменистон Президенти**




## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!  
Халқаро Наврўз байрами муносабати билан Сизга самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни йўллаш мен учун шараф!

Баҳорги тенгқунлик кунларида нишонланадиган халқаро Наврўз байрами инсониятнинг энг қадимий маданий меросларидан биридир. Илдирилари минг йиллар қаърига бориб тақаладиган ушбу гўзал байрам нафақат табиат уйғониши, балки ўзаро ҳурмат, тинч-тотув яшаш, бир-бирини англаш ва меҳнатсеварлик рамзидир.

Ушбу кўтлуг айём Сиз ва бутун халқингизга тинчлик, қувонч ва янги ташаббуслар олиб келсин!  
Чуқур ҳурмат билан,  
**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,  
Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон  
Халқ Маслаҳати Раиси**



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига


Хурматли Шавкат Мирмонович, азиз қардошим!  
Сизни ва қардош Ўзбекистон халқини миллий, маданий ва тарихий илдирилари чуқур бўлган Наврўз байрами билан самимий муборакбод этаман.

Икки минг йилдан буён катта шоду хуррамлик билан нишонланиб келинаётган бу байрам заминнинг уйғониши, табиатнинг янгилиниши, инсониятнинг қайта туғилишини англатади. Наврўзи олам муборак бўлсин, қардош халқларимиз учун эзгу ишларнинг бошланиши бўлсин!

Ишончим комил, Озарбайжон — Ўзбекистон иттифоқи умумий тарихимиз, бой миллий ва маънавий қадриятларимиз, халқларимизнинг қардошлиги ва бирдамлигига таянган ҳолда бундан буён ҳам ривожланиб, сўхат-саломатлик билан мустаҳкамланиб бораверади.

Ушбу кўтлуг айёмда Сизга ва оилангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, қардош Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқи фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Хурмат билан,  
**Илҳом АЛИЕВ,  
Озарбайжон Республикаси Президенти**



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Табиатнинг уйғониши, яхши келажакка умид ҳамда ҳижрий-шамсий янги 1404 йилнинг бошланиши чоғи бўлиши улуг ва қадимий Наврўз байрами билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда мамлакатингизнинг азиз халқини чин юракдан табриклайман.

Баҳор табиатдаги мувозанат нуқтаси ҳамда меҳр-оқибат, ақдиллик ва янгиликни палласидир.

Ҳижрий-шамсий янги йилда икки давлат муносабатларида ҳамда халқларимиз ҳаётида ажойиб ўзгаришларнинг гувоҳи бўлаимиз деб умид қиламан.

Қодир Эгамдан Сиз Жаноби Олийларига соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига бахт-саодат ва фаровонлик, Наврўз маданияти минтақаси давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларига эса янада ривожланиш тилаб қоламан.

Шунингдек, қуйидагилар ўз кўтловларини йўллаган:  
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Нурлан Ермакбаев**,  
Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**,  
Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Асад Мажид Хон**.

Кўтловлар келиши давом этмоқда.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида диёримизда янги экологик муҳит яратилмоқда. Хар йилли миллионлаб кўчатлар экиш, яшил боғлар барпо этиш, ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш, ҳар бир қарич ердан нуумли фойдаланиш каби юксак экологик маданий қадриятлар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда.

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” давлат дастури доирасидаги улкан ишларимиз бу жараёнларни янада юқори босқичга олиб чиқишига аминиман.

Мазлумки, халқимиз қадимда Наврўзни “йил боши” деб атаган. Биз ҳам аждодларимиз каби шу ажойиб кунда яхши ниятлар қиламиз: Шарқона Янги йилимиз кўтлуг келсин, дарёларимиз сувга, омборларимиз ҳосилга тўлсин!

Бунёдкор қурувчиларимиз, азиз ва мўътабар устоз-мураббийларимиз, фидойи шифокорларимиз, иқтисодиётимиз таянчи бўлган ғайратли тадбиркорларимиз, юртимиз посбонлари ҳаммашариф ва раҳматли бўлингиз!

Олдимизга қўйган баланд марралар ва улуг режалар тўлиқ рўёбга чиқсин!  
Мухтарам юртдошлар!  
Наврўз — ёшлик ва шижоат айёмидир. Ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келатган ёшларимиз Янги Ўзбекистоннинг илгор ва қудратли кучига айланиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз.

Азму шижоатли, истеъдодли фарзандларимизнинг дадил ва мардона ҳаракатлари бутун дунёда катта акс садо бераётгани бизни бугун қувонтиради.

Бутун мамлакатимиздаги юқори технологик корхоналарни бошқарётганлар — асосан билими ва малакали ёшларимиздир.

Тадбиркорлик ривожига янги куч ва шиддат бераётган ҳам ақл-идроқли, серғайрат ва ишбилармон ўғил-қизларимиздир.

Сарҳадларимизда доимо сергак турган аскар ва офицерлар ҳам мард ва жасур ўғлонларимиздир.

Илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳаларида Ватанимиз дунёга тараннум этаётганлар ҳам ёшлардир.

Хусусан, юртимизни жаҳонга машҳур қилишда ёш спортчиларимизнинг алоҳида ўрни ва ҳиссаси бор.

Халқимизга ҳар томонлама муносиб бўлган бундай навқирон авлодимизга шон-шарафлар бўлсин!

Азиз фарзандларим, сизлар Ватанимиз осмониде ёрқин юлдузлар бўлиб порлайдиган вақт келди. Бу улуг мақсад йўлида мана шу Наврўз фаслида таваллуд топган

Абдуҳолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Зулфияхоним, Озод Шарафидинов, Абдулла Орипов каби мутафаккир зотлар сизлар учун чинакам ибрат намунасидир.

Юртимиздаги беқиёс имкониятларни амалий натижаларга айлантириш учун тинимсиз ҳаракат қилинг!

Қаерда бўлсангиз, қайси соҳада ишламангиз, миллий қадриятларимизга, ўзингизга, Ватанимизга муносиб ва содиқ бўлинг!

Ҳеч қачон унутмангки, ортингизда салкам 38 миллионлик буюк халқ, Президент турибди.

Сизларга доимо омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Хурматли байрам иштирокчилари!  
Наврўзнинг бетакрор сеҳри жозибаси, энг аввало, тўққиз ярим мингга яқин маҳалламизда ўтказилаётган халқ сайилларида, байрам тантаналарида ўз ифодасини топади.

Кўп минг йиллик анъаналар ва замонавий қадриятларимизни ўзида муҷассам этган маҳалла тизимининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, турли муаммо ва масалаларни маҳалланинг ўзида халқ этаётганимиз ислоҳотларимиз халқчиллиги ва натижадорлигини кескин оширмоқда.

Зеро, ёшлар тарбияси, осойишталикни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, ижтимоий ҳимоя ва хотин-қизлар фаолиятини кучайтириш, экология ва ободлик каби бири-бирдан муҳим вазифалар “маҳалла этилиги” тизими орқали самарали ечим топтомоқда.

Маълумки, бу йил юртимизда маҳалла раислари сайловлари бўлиб ўтади. Халқимиз ушбу масъулиятли жараёнда фидойи ва ватанпарвар юртдошларимиз учун овоз беради, деб ишонаман.

Маҳаллаларни ҳар томонлама ривожлантириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, 22 март куни мамлакатимизда кенг нишонланадиган **Маҳалла тизими ходимлари кун** билан барча юртдошларимизни, маҳалла фаолларини самимий табриклар, уларнинг шарафли фаолиятида улкан ютуқлар тилаймиз.

Қадрли ватандошлар!  
Наврўз азалдан халқимизнинг миллий ва умумбашарий қадриятларга, бағрикентлик, чин дўстлик ва ҳамкорлик ғояларига содиқлигининг яққол рамзидир.

Бу айём юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари учун сеvimли, том маънода умумхалқ байрамига айланган.

# ГЎЗАЛ АЙЁМНИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА НИШОНЛАШ КАТТА ШАРАФ

## Хорижий мамлакатлар элчилари янгилиниш ва тотувлик байрами билан табрикламоқда

**21 март куни пойтахтимиздаги Янги Ўзбекистон боғида Наврўз байрами шодоналиги катта тантана билан нишонланди. Байрам тадбирларида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизни Наврўзи олам билан кутлади.**

**Жонатан ХЕНИК, АҚШ элчиси:**  
— Аввало, Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг мамлакатда кенг қамровли ва орта қайтмас ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган фаолияти мени ҳайратда қолдирди. Биз иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, шунингдек, Ўзбекистонни савдо ва инвестициялар учун истиқболли йўналиш сифатида кўраётган Америка компанияларининг қизиқиши ортиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз.  
Наврўз нафақат янгилиниш ва фаровонлик тисмол бўлган ажойиб баҳор байрами, балки эришилган ютуқларни нишонлаш учун муҳим фурсат. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига Наврўз байрами файзли бўлишини чин қалбимдан тилаймиз!

**Тимоти СМАРТ, Буюк Британия элчиси:**  
— Бу ерда бўлиш ва Наврўз байрамини, айниқса, шундай ажойиб даврда нишонлаш мен учун катта шараф. Саккиз йиллик ислоҳотлар Ўзбекистоннинг ўз мавқени мустаҳкамлашдаги таъсиричан йўлидан далолат беради. Мамлакат жаҳон саҳнасига қандай ишонч билан кириб келаётгани, бутун Марказий Осиё минтақасига наф келтираётгани кишини ҳайратта солади. Айниқса, Ўзбекистоннинг таълим ва маданият соҳасидаги ютуқлари эътиборга лойиқ.  
Ийлинг энг сеvimли байрами — Наврўзни шу ерда, гўзал Янги Ўзбекистонда Президент ва дипломатик ҳамжамият билан биргалликда нишонлашдан мамнуниман. Бу воқеа, шубҳасиз, дипломатик тақвимдаги энг муҳим босқичлардан бири.  
Наврўз айёмингиз муборак бўлсин!


**Гусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжон элчиси:**  
— Ўзбекистон халқини баҳор, янгилиниш ва бунёдкорлик рамзи — Наврўзи олам билан чин қалбимдан табриклайман. Бу ёрқин байрамда ўзбек халқининг улгуворлиги, чуқур анъаналари, матонат ва раванқига интилиш ўз ифодасини топган.  
Кейинги йилларда Ўзбекистон барча соҳаларда ажойиб ўнсиз ва тараққиётни намойиш этди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўлмали ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Бу ютуқлар Ўзбекистон улкан салоҳиятга, келажакка интилаётган халққа эга давлат эканининг яққол тасдиғи бўлди.  
Ўзбек халқи анъаналарини сақлаб, дадил олган интилаётган буюк халқ, Наврўз унинг куч-қудрати, бирдамлиги ва янги марралар сари интилиши тисмол.  
Қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва янада муваффақиятлар тилаймиз.

**Жонатан ХЕНИК, АҚШ элчиси:**  
— Аввало, Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг мамлакатда кенг қамровли ва орта қайтмас ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган фаолияти мени ҳайратда қолдирди. Биз иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, шунингдек, Ўзбекистонни савдо ва инвестициялар учун истиқболли йўналиш сифатида кўраётган Америка компанияларининг қизиқиши ортиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз.  
Наврўз нафақат янгилиниш ва фаровонлик тисмол бўлган ажойиб баҳор байрами, балки эришилган ютуқларни нишонлаш учун муҳим фурсат. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига Наврўз байрами файзли бўлишини чин қалбимдан тилаймиз!

**Тимоти СМАРТ, Буюк Британия элчиси:**  
— Бу ерда бўлиш ва Наврўз байрамини, айниқса, шундай ажойиб даврда нишонлаш мен учун катта шараф. Саккиз йиллик ислоҳотлар Ўзбекистоннинг ўз мавқени мустаҳкамлашдаги таъсиричан йўлидан далолат беради. Мамлакат жаҳон саҳнасига қандай ишонч билан кириб келаётгани, бутун Марказий Осиё минтақасига наф келтираётгани кишини ҳайратта солади. Айниқса, Ўзбекистоннинг таълим ва маданият соҳасидаги ютуқлари эътиборга лойиқ.  
Ийлинг энг сеvimли байрами — Наврўзни шу ерда, гўзал Янги Ўзбекистонда Президент ва дипломатик ҳамжамият билан биргалликда нишонлашдан мамнуниман. Бу воқеа, шубҳасиз, дипломатик тақвимдаги энг муҳим босқичлардан бири.  
Наврўз айёмингиз муборак бўлсин!

**Гусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжон элчиси:**  
— Ўзбекистон халқини баҳор, янгилиниш ва бунёдкорлик рамзи — Наврўзи олам билан чин қалбимдан табриклайман. Бу ёрқин байрамда ўзбек халқининг улгуворлиги, чуқур анъаналари, матонат ва раванқига интилиш ўз ифодасини топган.  
Кейинги йилларда Ўзбекистон барча соҳаларда ажойиб ўнсиз ва тараққиётни намойиш этди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўлмали ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Бу ютуқлар Ўзбекистон улкан салоҳиятга, келажакка интилаётган халққа эга давлат эканининг яққол тасдиғи бўлди.  
Ўзбек халқи анъаналарини сақлаб, дадил олган интилаётган буюк халқ, Наврўз унинг куч-қудрати, бирдамлиги ва янги марралар сари интилиши тисмол.  
Қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва янада муваффақиятлар тилаймиз.

“Дунё” АА



Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!

# РОСТИН АЙТСАМ, КЎКСИМДАГИ ДИЛИМ ЯНГИ

Бошланиши 1-бетда

Бугунги глобал дунё ҳам, таъбир жоиз бўлса, ўша дор йўлига ўхшайди. Ана шундай мураккаб геосиёсий жараёнларда лангарчўпни тўғри ушлаб, мувозанатни сақлай олиш жуда муҳим. Янги Ўзбекистонда лангарчўп — Наврўз каби қадим қадриятларга таяниб иш кўришмоқда. Ички ва ташқи сиёсатдаги ютуқларимиз сири ҳам шунда.

Дарвоқе, тантанали маросим бошланишидан аввал Мустақиллик монументини яна бир бор кўздан кечирдим. Давлатчилигимизнинг 3 минг йиллик тарихини ўзида жамлаган ушбу монументни орқича таърифлаш ниятим йўқ. Гап шундаки, унга боқиб, минг йилликлар қаъридан нидо бераётган аждодларимиз билан ўртамизда ажиб бир ўхшашлик борлигини пайқадим. Бу уйғунлик — Наврўз соғинчи!

“Авесто”нинг эзгулик ғоясидан тортиб, Беруний, Бухорий, Алишер Навоий, Мирзо Бобур ва Абдулла Орипову Эркин Воҳидов ижодигача бўлган барча асарлар ана шу соғинчи, яхшилик ва ҳаёт-севарликни тараннум этган. Бу халқимиз фитратиде яхшиликка, наврўзона туйғуларга ошuftалик борлигидан далолат. Улар ҳам янги Ўзбекистоннинг фидойи инсонлари каби бунёдкорлик руҳи билан яшаган. Шу боис, юртимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар ва жадал ўзгаришларнинг асл мазмуни ва эзгу ғоялари Наврўзга ҳамоҳанг, десак муболага бўлмайди.

Тан олиш керак, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон қадрини улуғлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Бунинг учун, аввало, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ёрдамга муҳтож инсонларга аниқ манзилли кўмак беришнинг самарали йўли танланди. Шу орқали аҳоли даромади ва турмуш даражасини юксалтириш йўлида дадил қадамлар ташланди.

Узоққа бормайлик, куни кеча давлатимиз раҳбари кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашди. Унда аҳолининг даромадини ошириш, иш ўринлари яратиш, қийналган оилаларга, хотин-қизларга кўмак бериш каби кўпала масалалар ўртага ташланди. Уларга ечим сифатида ҳаётбахш ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди. Аслида, ана шундай кенг кўламадаги ўзгаришлар сабаб янги Ўзбекистонда бугунгача кўпала замонавий sanoat мажмуалари, инфратузилма ва логистика тармоқлари, автомобиль ва темир йўллар барпо этилмоқда. Бизнес, IT ва туризм соҳалари жадал ривожланмоқда. Бундан ташқари, минглаб янги иморат ва уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳлар, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда. Ҳатто олис қишлоқ ва овулларимиз ҳам шаҳарларимиз каби тобора гўзал ва обод бўлиб бормоқда.

Биргина мисол, шу йил қишнинг адоғида меҳнат сафари билан Самарқанд вилоятининг Кўшработ тумани Қувқалда қишлоғида бўлдим. Икки йил олдин ушбу олис тоғ бағридаги қишлоқда кўш қаватли замонавий бино тикланиб, болалар боғчаси очилди. Ташқарига совуқ шамол ва ёмғир аралаш қор забтига олган. Аммо ичкари иссиқ, болалар бемалол дарс қилиб, ўйин ўйнапти. Боғчага киришимиз мутлақ тасодиф бўлгани боис, ўша кунги иссиқ хоналар биз, меҳмонлар шарафига эмаслиги аниқ эди. Бундан, ростки, қувондик.

“ Янги Ўзбекистонда бағрикенгликка ҳам, тижоратни юксалтириб, экологик мувозанатни сақлашга ҳам, умуман, тинчлик ва фаровонлик учун нима зарур бўлса, барчасига бирдек эътибор берилмоқда. Наврўз соғинчи ва аждодларимиз билан ўхшашлик деган фикримизда мана шундай ҳаётий ҳақиқатлар бор.



Юртимизда ижтимоий хизмат янги босқичга олиб чиқилди. Энди кўмак ва ғамхўрликка муҳтож инсонларни уйма-уй юриб аниқлаш, уларга комплекс ёрдам бериш тизими йўлга қўйилди. Бу каби мисолларни яна кўпала санаш мумкин. Буларнинг бари биз айтмиш — инсон қадрининг улуғланаётганидан далолат.

Яна бир муҳим жиҳат экологик масалалар ечими борасидаги ишлардир. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида: “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дийримида янги экологик муҳит яратилмоқда. Ҳар йили миллионлаб кўчатлар экиш, яшил боғлар барпо этиш, ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш каби юксак экологик маданий қадриятлар қундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда.

“Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили” давлат дастури доирасидаги улкан ишларимиз бу жараёнларни янада юқори босқичга олиб чиқишига аминман”, деди.

Бу фикрларни тинглаб эканман, “Янги Ўзбекистон” боғига кириш чоғида Ўзбекистон Экологик партияси раиси Абдушукур Ҳамзаев билан бўлган суҳбатни эслаймман: — Қаранг, қандай ажойиб кунларда яшаймиш! Давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи дарахт экипти, — дейди суҳбатдошим Президентимиз 20 март куни Тошкент шаҳрига ташрифи чоғида Бектемир туманида Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил иқтисодиёт” йили доирасида яратилган янги яшил ҳудудга кўчат экканини назарда тутиб.

— Биз, “яшил”лар партияси, умуман, табиати яхши кўрадиган ўзбекистонликлар учун бу жуда катта бахт, — дея давом этади Абдушукур ака. — Наврўз ўзлгимизни эслатадиган байрамлиги рост. Бу улғ кунда ҳамма табиатга яқинлашади, кўчат экади, дарахтларни оқлайди, кўчаларни тозалайди, оз бўлса ҳам экологияга ёрдам беради. Янги Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат ҳам наврўзона кайфиятга мос. Унда ҳар куни яхши янгиликлар, эзгу амаллар қилинмоқда. Буни билиш учун узоққа бориш шарт эмас, ана боққа кириб келаётган ёшларнинг кўзига қаранг!

Ҳа, янгилиниш, Наврўз ёшликка хос байрам. У том маънода ёшлик ва шижоат айёми! Кўкларда ўсимлик дунёси ниш уриб, қаттиқ ерни ёриб чиқади. Донишманд куёш ўз вақтида меҳр тафтини сочса, вақти-вақти билан кўкдан баракка ёмғирни ёғиб турса, яшил олам тез ривож олади. Мустаҳкам илди эотиб, мўл ҳосил беради. Ёшларга ҳам худди шундай меҳр ва эътибор керак.

Янги Ўзбекистон бугун дунёга истеъдодли ёшлар ватани сифатида ҳам танилиб бормоқда. Биргина мисол, шу йилнинг 14 февраль куни давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқот қилди. Унда сўз олган, қувониб ютуқларини айтиб берган, янги ғоя ва ташаббусларни илгари сурган

“Бизнинг кучимиз — бирлик ва аҳилликда, қудратимиз — Ватанга меҳр ва садоқатда, ютуғимиз — ўзимизга бўлган юксак ишончимизда!”.



йигит-қизларнинг кўплигини кўриб қувондик. Президентимиз ёшлар ютуқлари ҳақида ҳақли равишда фахр ила шундай сўзлади: “Азму шижоатли, истеъдодли фарзандларимизнинг дадил ва мардона ҳаракатлари бутун дунёда катта акс садо бераётгани бизни бениҳоя қувонтиради”.

Дарҳақиқат, бугун барча соҳаларда — тадбиркорлик, ишлаб чиқариш корхоналари, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъатда Ватанимизни дунёга тараннум этаётган ёшлар талайгина. Улар бирдан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Балки бу ёшлар меҳнатларимиз, шунча қилинган ислохотлар, яратиб берилган имконият ва имтиёзлар самараси. Таъбир жоиз бўлса, улар янги Ўзбекистоннинг кўкка буй чўзаётган азамат чинорлари. Энди улар янада ўсиб-улғайиши, Ватанимиз осмонда ёрқин юлдуз бўлиб порлаши учун кенг имкониятлар эшиги очилмоқда. Мана шу факторнинг ўзиёқ юртимизда Уччинчи



Ренессанснинг пойдевори тобора мустаҳкамлашиб бораётганини кўрсатади. Олдимизга кўйган марраимиз баянд, демак, бу борадаги ишлар янада жадаллик билан давом этиши табиий.

Юқорида инсон қадрини улуғлаш учун муаммоларни жойларда ҳал этиш йўлга қўйилганини айтган эдик. Бунда, албатта, бошқарувнинг қадимий ва самарали институту бўлган маҳалланинг ўрни ва аҳамияти чексиз. Таъкидлаш керак, маҳалла янги Ўзбекистонда халқчил тизимга айлантирилди. Бир вақтлар фуқаролар маҳаллага бориб, дардини айтавермасди. Чунки имконияти чекланиб қолган бу тизим ўқитувчиларни пахта теришга чиқариш, турли маълумотномалар ёзишдан нарига ўтмасди. Бугун маҳалла фаоллари уйма-уй юриб, фуқаролар билан суҳбатлашиб, уларнинг муаммосини ҳал қилишти. Шу орқали бу институт, аввало, замонга мослашди. Муҳими, ўша мослашиш натижасида аслиятига қайтмоқда. Биламизки, қадимда

оқсоқоллар маҳалладаги барча муаммоларга ечим топган. Бугун ўша оқсоқоллик рутбаси “маҳалла еттилиги” кўринишида фаолият бошлади.

Бу халқимиз фитратиде яхшиликка, наврўзона туйғуларга ошuftалик борлигидан далолат. Улар ҳам янги Ўзбекистоннинг фидойи инсонлари каби бунёдкорлик руҳи билан яшаган. Шу боис, юртимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар ва жадал ўзгаришларнинг асл мазмуни ва эзгу ғоялари Наврўзга ҳамоҳанг, десак муболага бўлмайди.

Ҳа, маҳалла ҳам Наврўз каби халқимиз қадриятларининг кўргонидир! Шу маънода, Наврўзнинг эртаси куни, яъни 22 март мамлакатимизда Маҳалла тизими ходимлари куни деб белгиланганида ҳам катта рамзий маъно бор.

Давлатимиз раҳбари Маҳалла тизими ходимлари куни билан барча юртдошларимизни, маҳалла фаолларини самимий табриклаб, уларнинг шарафли фаолиятда улкан ютуқлар тилади. Шунингдек, Президентимиз байрамда иштирок этаётган элчилар ва халқаро ташкилотлар вакиллари халқаро Наврўз куни билан қутлани, уларнинг халқларига дўстлик саломини йўллади.

Байрам катта концерт дастури билан давом этди. Концерт дастурида ёш ижодкорларнинг шеър ўқиси эса бот-бот тақорлаётганимиз — яхшиликка яна бир чорлов бўлди. Улардан сўнг ватан посбонларининг чиқиши кўзни қувонтирди. Икки тутақ қудрат — юрт

сарҳади ва маънавият посбонларини кўз олдимга келтириб, Президентимизнинг ижодкорларга йўллаган мурожаатини эсладим.

Мақола аввалида минг йиллар аввал яшаган аждодларимиз билан ўхшашлигимиз — Наврўз соғинчи ҳақида айтган эдик. Янги Ўзбекистонда ана шу руҳ, ўхшашлик янада яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, Бухорий ва Мотуридий каби болаларимиз кенг тафаккур ва соғлом ақл билан иш тутишга, миллиатлар ва динлараро бағрикенгликка чорлаган эди. Амир Темури бобомиз эса бунёдкорлик ишлари билан мамлакатларини обод қилди. Дунёда тинчликни сақлашга жиддий қаради. Карвон йўлидаги савдо аҳли бир тангасини ҳам йўқотмай манзилга етишини таъминлади. Айни дам тижорат аҳлига кенг имконият яратиб берди. Буларнинг барчаси Наврўз ўзида жамлаган инсонийлик, эзгулик ва яратувчанлик ғояларига ҳамоҳанг.

Янги Ўзбекистонда бағрикенгликка ҳам, тижоратни юксалтириб, экологик мувозанатни сақлашга ҳам, умуман, тинчлик ва фаровонлик учун нима зарур бўлса, барчасига бирдек эътибор берилмоқда. Наврўз соғинчи ва аждодларимиз билан ўхшашлик деган фикримизда мана шундай ҳаётий ҳақиқатлар бор.

Булар “Янги Ўзбекистон” боғидаги сайил майдонларида ҳам ўз аксини топди. Алвон гуллар ва байроқлар билан безатилган майдончаларда миллий маданият марказларининг кўргазмалари ташкил этилди. Улар юртимиздаги тотувлик ва бой маданий хилма-хилликни намоян этди. Давлатимиз раҳбари ушбу кўргазмаларни ва фольклор-этнографик жамоаларнинг куй-қўшиқларини томоша қилди.

Ана шундай кўтаринки руҳда ўтган байрамдан қайтаётди, уйимиз томон юрдим. Йўл четига олчалар қийғос гуллади. Худди митти новдага бир парча бутунни қўндириб қўйганга ўхшайди. Беихтиёр бу оқлик кўнгилга кўчади. Ўша ёруғ туйғулар яна бир ҳикматни эслатади.

Ҳақим ат-Термизий “Наврўзнома” асарида ёзишча, Наврўз жума кунига тўғри келса, шодлик ва фаровонлик йили бўлар экан. Бу йил баҳорги тенгқунликнинг жума кунига, дуолар ижобат бўладиган муборак ойда ўтаётгани янада кўтаринкилик беради. Шунда руҳга, жисмга сигмайдиган, шеърин илҳомга ўхшаш завқни туясиз. Ислохотлар суръати Наврўз кунларида табиатдаги ўсиш ва ўзгаришга мос равишда кетаётганини ўйлаб, ана ўша шеър — “Наврўз қўшиғи” ёдга тушади:

Лолалардан гар айтмадим, қир айтади,  
Қолганларин само айтар, ер айтади.  
Кўнглим очсам, ҳар тўёқ бир шеър  
айтади,  
Ростин айтсам, кўксимдаги дилим янги.

Бобуровдан ҒОЗИДДИНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

# ТОМОРҚАСИГА ЭКИН ЭКМАГАН УЧ ҚАРРА КЎП СОЛИҚ ТЎЛАЙДИ

Президентимизнинг жорий йил 14 февралдаги “Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра, энди аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларидagi ер майдонини тўлиқ хатловдан ўтказиш, уларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобини юритиш ҳамда “Online mahalla” платформасида аниқ ва батафсил маълумотлар базасини шакллантириш белгиланган. Шу билан бирга, аҳолининг маҳаллалардаги ҳар бир томорқасидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, жумладан, ерни тайёрлаш, уруғ, кўчат ва дарaxтлар экиш, иссиқхоналар қуриш бўйича ишларни ташкил этиш, юзага келаятган муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича вазифа ва чора-тадбирлар ижросини қатъий назорат қилиш вазифаси юклатилган. Энди шунчаки ерни эгаллаб, ишлаб чиқариш бўлмади. Меҳнат қилган роҳат кўради, деганларидек, олдимишдаги даромад манбаини ишга солиш зарур бўлади.



Касби, Ғузор, Қашми туманларида ҳам томорқадан фойдаланишда кўпчилик эътиборсизлик қилиб келаятгани аниқланди. Урганишларнинг дастлабки босқичида иши гуруҳ, асосан, “маҳалла еттилиги”да фаолият юритаётган аксарият ходимларнинг яшаш жойини кўздан кечирган. Натига эса мактовга арзирли эмас.

Лекин юқоридаги мисоллар билан барча ҳудудларда томорқадан унумли фойдаланишга, дейишдан йироқми. Аммо бор имконият ишга солиниб, ерга уруғ экиб, рўзғорни обод қилиш учун унчалик оғир меҳнат талаб этилмаслигини аниқлаш даркор. Қолаверса, ўз ҳовлисидан чиқмай, 100 миллион сўмлаб даромад топаётганлардан ўрнак ола сўлади-ку!

Маълумотларга кўра, вилоятдаги 612 минг хонадонда экин экиладиган 66 минг гектар томорқа мавжуд. Шунингдек, 2022 йилдан буён 25 минг гектар ер деҳқон хўжаликларига

Сўнгги 4 йилда давлат маблағи ҳисобидан 320 та артезиан қудуқ қазилиб, 10 мингга яқин хонадон томорқаси сув билан таъминланди. Жорий йилда эса 85 та маҳалланинг томорқасига оқар сув кириб бориши учун 142 миллиард сўм ажратилди. Бунинг ҳисобига 34 мингдан ортиқ хонадондаги томорқанинг сув таъминоти яхшиланиб, 136 минг киши даромадли бўлади ҳамда 2,5 минг оила камбағалликдан чиқарилади.

Берилган бўлса, жорий йилда яна 11 минг гектар ер ажратилади.

Албатта, сўнгги йилларда аҳолининг томорқасига муносабати ўзгармоқда. Хусусан, кейинги 7 йилда воҳода томорқадан маҳсулот етиштириш ҳажми 3 баробар ошди. Бугун томорқадан йилга 3 марта ҳосил оладиган хонадонлар 35 фоизни ташкил қиломқда.

Мисол учун, Қашмидаги Одоқжонбўз маҳалласи аҳли олдинлари фақат пахта, галла етиштириш билан шугулланиб, бир гектар ердан ўртача 10 миллион сўм даромад топаган. Утган йилдан бу ҳудудда брокколи карамини етиштириш ҳисобига деҳқонлар пахта, галла нисбатан 10 баробар кўп соф фойда олмоқда.

Қарши туманидаги Таллиқурон маҳалласидаги 70 фоиз хонадон кўчат етиштириш билан банд. Нишон туманининг Пахтаобод маҳалласида 300 дан ортиқ хонадон асарличилик билан шугулланади. Бундай ижобий натижани кўплаб маҳалла ва қишлоқ деҳқонлари мисолида келтириш мумкин.

Жорий йил воҳода 2 миллион 500 минг тонна экин ўтган йилга нисбатан 450 минг тонна кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, бир маҳаллада етакчи тадбиркорларни бириктириш орқали аҳоли томорқаларида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” ҳамда ижара ерларда “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида экспортроп сердаромад экинлар қилишини ташкил этиш ҳам ижобий самара бермоқда.

Ушбу тажриба жорий қилинган ҳудудларда мактаб яратилди, инновациялар кириб келмоқда, бозор шаклланиши ҳисобига аҳолининг даромади ва деҳқончиликка қизиқиши ортапти. Энг муҳими, бундай тажриба бошқа ҳудудларни ҳам шу ишларга жалб этишда туртки бўлиб хизмат қиломқда.

Шунингдек, кейинги 3 йилда вилоятдаги 327 минг хонадон (45 фоизи) бир хил маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирилди. Масалан, Ғузор тумани Даштобод маҳалласидаги 538 хонадоннинг 165 гектар томорқаси ҳамда 283 та деҳқон хўжалигига тегишли 137 гектар — жами 302 гектар майдонда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида йилга 17 минг тонна помидор етиштирилмоқда. Ҳозир ер эгалари бир гектардан ўртача 65-70 миллион сўм соф фойда олади. Тасаввур қилин, шу маҳсулот қайта ишланса, яна шунча фойда ҳудуднинг ўзига қолади.

Мана шундан келиб чиқиб, тадбиркорлар ташаббуси асосида 1,1 миллиард сўм эвазига соатига 250 кило томат пастаси, 1 миллиард сўмга соатига 200 кило плёнка ҳамда 40 тонна биогумус ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ишлар бошланди.

Касби туманидаги Майманок ҳудудида бодом етиштириш бўйича олдиндан тажриба бор. Шунини инобатга олиб, бу йил қўшимча 208 гектар ерда бодомзор, Қарши тумани “Кўчак” МФИда деҳқон хўжалиги учун ажратилган ва бугун самарасиз фойдаланиб келинган 30 гектар майдонда анжирзор барпо этилади.

Сўнгги 4 йилда давлат маблағи ҳисобидан 320 та артезиан қудуқ қазилиб, 10 мингга яқин хонадон томорқаси сув билан таъминланди. Жорий йилда эса 85 та маҳалланинг томорқасига оқар сув кириб бориши учун 142 миллиард сўм ажратилди. Бунинг ҳисобига 34 мингдан ортиқ хонадондаги томорқанинг сув таъминоти яхшиланиб, 136 минг киши даромадли бўлади ҳамда 2,5 минг оила камбағалликдан чиқарилади.

“Деҳқончиликда баҳорнинг бир куни бир йилга татийди” деган гап бор. Кўпни кўрган омилкор деҳқонларимиз мана шундай халқ қилувчи паллада қандай юмушларни бажариш зарурлигини жуда яхши билади.

Шу боис, кўкларнинг ҳар кунини ганимат билиб, ҳовлимиздаги ҳазинамиз — томорқамизни яшатиб қўйсак, аввало, рўзғоримиз фаровон, бозорларимиз янада обод бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони кўра, энди аҳоли томорқаси ва деҳқон хўжаликларига ижарага берилган ер майдонидан самарали фойдаланиш ҳолати бўйича ҳоким ёрдамчиси томонидан ҳудуднинг иқлим шароитини инобатга олган ҳолда, ҳар чорақда ўтказиладиган мониторинг натижасида екин тўлиқ экилган ҳоким қаровисиз қолдирилган ҳолати аниқланганда тажриба тариқасида чора кўрилади.

Жумладан, томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликларига давлат дастурлари доирасидаги имтиёзли кредит берилмади. Шунингдек, Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига қiritилган фуқаролар учун назарда тутилган имтиёзлар тўхтатилади. “Online mahalla” электрон платформаси маълумотлари асосида экин экилганини аниқлаган йил учун ер солиғи ставкаси уч баробар миқдорда ҳисобланади. Бунда берилган имтиёزلарни вақтинчалик тўхтатиш, қайта тиклаш ва оширилган солиқ ставкаларини қўллаш “маҳалла еттилиги” ҳулосасига асосан амалга оширилади ва тегишли маълумотлар “Online mahalla” электрон платформасига қiritиб борилади.

Томорқа ва ижарага берилган ердан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган тақдирда “маҳалла еттилиги” қафиллиги билан барча имтиёз ва амалдаги солиқ ставкалари тиклаб берилиши белгиланган. Шундай экан, бугундан ишга киришинг. Зеро, томорқанингдан олган даромадингиз ўзингизга фойда. Ҳам меҳнат қилиб маблағ ишлаб оласиз, ҳам солиқ имтиёзларини қўлга қиритасиз.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Акбар РАҲМОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Яқинда маъмур фармон ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилояти ҳокими ташаббуси билан ишчи гуруҳ ташкил этилиб, жойларда ўрганишлар бошланди. Хусусан, бу жараёнда асосий эътибор аҳолининг томорқадан фойдаланиш даражаси, мавжуд имкониятлар ишга солинаётганига қаратилмоқда. Камчиликлар бартараф этилиб, малакали деҳқонлар тажрибаси тартиб қилинмоқда. Аниқлиқни, кўп хонадонларнинг ҳовлиси ўз ҳолига ташлаб қўйилгани маълум бўлмоқда.

Дастлаб Нишон туманидаги маҳаллалардан бирида ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишлаб келаятган Исмаил Баратов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) хонадон ҳақида тўхталас. Айнан ҳоким ёрдамчисининг шу вазифада ишлаб туриб, томорқасини қаровсиз сақлагани кўпчиликни ажаблантирди. 20 сотих ер ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Баҳор келиб, сабзавот экиш мавсуми бошланганига қарамай, томорқанинг бирор жойига ишлов берилмаган. Худудга намуна бўладиган ҳоким ёрдамчиси шунчалик бефарқ экан, қолганлардан қандай натижа кутиш мумкин?! Айнан шу маҳаллада ижтимоий ҳодим бўлиб ишлаб келаятган аёлининг экин экишга яроқли 15 сотихдан ортиқ ери бор. Аммо бирор ниҳол ўтказилганини кишини ўйлантирмади. Ер қаровсиз ташлаб қўйилган.

Кейинги манзилдаги маҳалла раиси хонадон эса янада ачинарли. Оқсоқол кўпчиликка ўрнак бўлиш ўрнига кенг ҳовлисида бирор экин эммаган. Бу манзарага изоҳ бериш учун уй соҳибни айтириб гап тополмади. Бахона қилишга эса асос йўқ. Сабаби кўча тарафда бир ақар сув оқмоқда. Фақат меҳнат қилиш керак.

Маҳалла хотин-қизлар фаоли томорқаси кўздан кечирилганда каттагина ер майдони шундоқ бўш турганига дуч келинди. Бирор марта ишлов берилмаган. Мавсум бошланган бўлса-да, ҳеч бир қишлоқ хўжалиги экинини экишга тайёрларли ҳам кўрилмаган.

Набатдаги маҳалла раиси ҳам ўрнак бўларли даражада эмас. Бўш ётган томорқасини кўрсатишдан уялганда турли баҳоналар тўлиб топшишга мажбур бўлди. Аммо, минг афсуски, ҳовлидаги ер анчагина абгор ҳолда эди. Қовун қовундан ранг олади, деганларидек, оқсоқолнинг ён қўшнисиникида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бу ҳолатга изоҳ сўраган мутасаддиларга эса “Ана, раиснинг томорқаси меникидан ҳам баттар-ку”, деб қўтулиб қўя қолди.

Кейинги хонадонда эса бир пайтлар иссиқхона ташкил этилган, аммо кейин қаровсиз қолдирилган. Икки сотихдан ортиқ жойини эгаллаган эски иссиқхона қурилмаси бузилиб, ерпарчин бўлиб ётган. Бундан ташқари, ҳовлининг бошқа томонида ҳам фойдаланиш учун ишлов берилган жойга кўзимиз тушмади.

Маҳалла кўчаларида бир вақтлар қазилган бетон ариқлар аллақачон тупроққа тўлган. Тозаланмаганига анча йил бўлгани ҳолатидан маълум бўлиб турибди. Айни пайтда эса чиқинди ташланадиган жойга айланган. Бу хунук манзарага шу ерда яшовчилар қандай қилиб чидаб келаятганига ҳайрон қоласиз киши.

Тумандаги фермер хўжалигига тегишли 4 гектар боғ эса бор ҳолича ташлаб қўйилган. Бу ердаги олма, ўрик, анор дарaxтларига яқин орада ҳеч ким ишлов бермаган. Боғ гўё эгасиз ҳолатда.



## “Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги

# ТАЖРИБА БАРАКА ОМИЛИ

Навбахор туманининг Пахтакор маҳалласида яшовчи Нуриддин ота Мирзаев эрта тонгдан томорқасидаги иссиқхонада лимон дарaxтини тартибга солиш билан овора. Ортиқча шохларни кесиб, зарур ишлов бергандан кейин қўшнилари ва бошқа маҳалладошларининг уйига йўл олади. Бу кундалик одатига айланган. Айниқса, баҳор бошланиши билан отахон иссиқхонада етиштирилаётган экинлар бўйича маслаҳат ва тавсиялар беради. Етмиш ёшга яқинлашган отахон бу ишдан асло қармамайди. Яқинда маҳалла банкири таклиф этган имтиёзли кредитни олиб, иссиқхоналари сонини кўпайтирди. Янги иссиқхоналарга бодринг, помидор экди. Бу йилдан лимончиликдан тушадиган фойда устига қўшимча даромад ҳам келди.

Иссиқхонасидаги юмушларини тугатган отахон маҳалласида бўлаётган ҳашарга қатнашди. Айни вақтда томорқалардаги каби маҳалла кўчаларида ҳам иш қизгани. Нурудиннинг бу каби эзгу ишларда ёшларга намуна бўлмоқда.

— Обод маҳаллалар — юртимиз кўзгуси, — дейди Нуриддин ота Мирзаев. — Бу каби ҳашарларда ўзбекна қадриятларимиз намоён. Ободлик руҳи, айниқса, кўклар чоғи кўр олади. Ҳовлилардаги саришталик маҳалла бўйлаб кенг қулоч ёзиб, халқ ҳашарига айланиб кетади. Айниқса, баҳорда бу жараён янада хайрли ва барақали бўлади. Шу боис, маҳалла нурунийлари билан хонадонларга бориб, одамларни ҳам орасида қўлайимиз. Зарур бўлганда, томорқадан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берамиз. Маҳалла-ниш аҳли азалдан миришор, ёшларимиз ҳам меҳнаткаш. Фақат уларга тўғри йўл кўрсатиб, тажрибамиз билан ёрдам берсак, томорқасидан келадиган даромади ҳам ошади.

Айни вақтда Навбахор туманидаги 41 та маҳаллада ҳашар тадбирлари кенг қулоч ёйган. Ободлаштириш жараёнида

боғ ва сайилгоҳлар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар ҳудудини тартибга келтириш, чиқиндиларни белгиланган жойга чиқариш ва кўчаларни таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу хайрли жараёнда ёшлар ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Бугун туманимизда “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” тамойили асосида тизимли ишлар қилиняпти. Бу жараёнда аҳолининг томорқа маданиятини шакллантириш ва шу орқали даромадини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Навбахор тумани бўлимидаги бошлиғи Сардор Нейматов. — Бунинг учун барча маҳаллаларга тажрибали деҳқон ва агрономлар бириктирилиб, семинарлар ташкил этилмоқда. Ҳозир томорқалардаги иссиқхоналарда қулочнай, лимон, кўчатлар, помидор ва бодринг каби маҳсулотлар етиштирилмоқда. Одатий ер майдонларига ҳам турли экинларнинг даромади фақат томорқачилиқдан. Бошқаларнинг ҳам доимий даромади томорқадан бўлмаса-да, қишлоқ хўжалиги



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ УҚШИ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



маҳсулотларига кундалик эҳтиёжни қоплаш учун етарли экинлар етиштириши зарурлиги юзасидан тарғибот олиб боряпмиз. Айниқса, “Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги даврида бу ишларни янада кўпайтирганимиз.

Жорий йил 30 январь кунини томорқа ва ижарага берилган ерларда даромадли маҳсулот етиштиришнинг янги тизими бўйича ўтказилган йиғилишда ҳам Президентимиз бу масалаларга алоҳида тўхталиб ўтган эди. Жумладан, юртимизда 5 миллиондан зиёд хонадонда 508 минг гектар томорқа, аввал ташкил этилган деҳқон хўжаликлариди 17 минг гектар ва сўнгги йилларда аҳолига бўлиб берилган 260 минг гектар ер борлиги ҳамда бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда энг катта заҳира экани қайд этилди. Таъкидланишича, ўтган 7 йилда томорқа эгалари ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун 2,3 триллион сўмлик имтиёзли кредит ва 265 миллиард сўмлик субсидия берилган. Одамларнинг кўнжимасидан келиб чиқиб, 5145 та маҳалла мева-сабзавот етиштириш, кўчатчилик, лимончилик каби йўналишларга ихтисослаштирилган.

Бу борада Навбахор туманидаги ишларда тижорат банклари ҳам аҳолига яқин кўмакчи бўлмоқда. Имтиёзли кредит асосида иссиқхоналар қуриб бериб, аҳолининг доимий даромадга эга бўлишига ҳисса қўшмоқда. Мутасаддилар таъкидлашча, айрим томорқа эгалари иссиқхона қурилиши учун олинган қарзни муддатидан олдин сўндириш ҳаракати тушган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ҳар бир хонадондаги томорқадан етиштирилган маҳсулотлар миқдори, сотилиши, аҳолининг бундан топаётган даромади қатъий назоратга олиниб, зарур кўмак берилмоқда.

Сифатли ва мўл озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда ҳудудларда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили жорий этилаётгани

ютуқлар омили бўлмоқда. Тумандаги Гулистон маҳалласида ҳам шундай ташаббусли лойиҳалар кенг қўллаб-қувватланмоқда. Ҳудудда яшовчи меҳнат фахрийси Мардон Йўлдошев тажрибаси асосида иссиқхоналарда лимон ва цитрус мевалар етиштириш йўлга қўйилган.

— Лимончилик билан шугулланишим оддий қизқиқидан бошланган, — дейди Мардон Йўлдошев. — Даромади яхши бўлгандан кейин иссиқхоналар қуриб, кўчатлар сонини кўпайтирдим. Ишимизни ривожлантириб, бошқа цитрус мевалар ҳам етиштири бошладим. Тажрибамни дастлаб кўни-қўшнига, кейинчалик маҳалладошларга ўргатдим. Ҳозир аҳоли хонадонларида қуриляётган иссиқхоналарга кўчат тарқатяпмиз. Бу ишни энди бошлаётган хонадон эгаларига зарур тавсиялар берапмиз. Келгусида маҳалламизни лимон етиштиришга ихтисослаштиришни режалаштирганимиз.

“Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги жараёнида Навбахор туманида маҳаллаларни ободлаштириш мақсадида “Йиллик макон” умуммиллий лойиҳаси ҳам жадал амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг баҳорги мавсумида тумандаги маҳаллаларда 174 минг туп мевали ва манзарали дарaxтлар экиш белгиланган. Навбахорликлар бу кўрсаткичнинг 400 минг тупга етказишни мақсад қилган.

Халқимиз азалдан ерга меҳр қўйиб, фарзандларини меҳнатга ўргатиб келган. Боиси, серҳосил ер, даромад манбаи бўлган томорқадан самарали фойдаланиш рўзгор бутлигига хизмат қилади. Қолаверса, юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаб, бозорларда нарх-наво асосини ошириб кетишининг олдини олишда ҳам бу масала муҳим аҳамият касб этади.



### Ижтимоий ҳимоя

2010-йиллар... Тақдир чархалаги терс айланиб, термизлик Саодат Ҳамидова умрининг 14 йилини панжара ортида ўтказишга маҳкум этилди. Бундай қисмат жуда оғир. Айниқса, аёл боши билан бунга кўникишнинг ўзи бўлмайди. Рухият синиши, ҳаётга муҳаббатнинг сўниб кетиши, жамиятдан ажралиб қолиш... Ҳўрликларни санаб, адоғига етиб бўлмайди. Саодат буларнинг барчасига дуч келди.

Ниҳоят белгиланган муддат тугади. Уйга йўл очилди. Энди ўзи билганича яшashi мумкин. Лекин бу осон бўлармикан?! Йиллар давомида руҳиятга сингиб қолган тасаввурлардан бирдан қутулишнинг имкони борми? Табиийки, Саодатга осон бўлмайди. Камалиб чиққан аёлга ким ҳам ишонарди, унга кимнинг кўзи учиб турибди? Мана шундай ўй-хаёллар аёлни бутун борлигини қамраб олди.



# ИНСОННИЙЛИК МАНЗАРАСИ

## ОДАМЛАРНИНГ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Тунлари бедорликка ўрганди. Боиси, ҳаёлида ҳозир ички ишлар ходимлари келиб эшикни тақиллатишга уни яна маҳкамага олиб кетадиганди. Бу кўрқув бутун вужудини қамраб олган эди. "Мен энди ҳеч кимга керак эмасман!" деган фикр аёлнинг онгини эгаллади.

Шундай кунларнинг бирида унга кўнгирак бўлди. Гушақдан бир аёлни "Саодат опа, менинг исимим Ирода, психологман. Сиз ҳақингизда ҳамма маълумотга эгаман, шунчаки бир учрашиб, гаплашсак бўладими?" дегани эшитилди. Жондан тўйиб юрган одамга бундай гаплар ёқарди. Саодат гўшақни отиб юборди. Лекин психологлар ҳар қандай ҳолатга ҳаммиша тайёр туради. Чунки Саодатнинг бундай ҳаракати ҳам руҳий ҳолат билан боғлиқ эди. Унга ёрдам керак! Ирода уни ҳоли-жонига кўймади, бозор бўлган Саодат охири у билан суҳбатлашди. Кўнгирак бўлган аёл бутун ўзи унга тез-тез кўнгирак қилиб туради.

Саодатнинг бутун ҳолати бутунлай бошқача. У ишга жойлашди, даромадид бўлди. Ҳозир эса вояга етиб қолган ўғлини ўйлантириш тарафидида юрибди. Шундай ширин ташвишлар орасида Саодат "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ходими Ирода Ориповани тез-тез эслаб туради.

Жумабоев. — Баҳолаш натижасига кўра, шахс ёки оиланинг муаммолари ўрганилиб, натижа бўйича зарур ижтимоий хизмат ва ёрдам чоралари кўрилади. Унга кўра, ижтимоий ходим шахс ёки оила номидан муаммоларини ўрганган ҳолда ариза киритади ва ариза "Инсон" ижтимоий хизматлар марказига етиб, платформа орқали керакли шўбаларга етиб боради. Шундан сўнг "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази шўбалари томонидан хизмат кўрсатилади.

Даромади ва соғлигини йўқотиб, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқаролар, узоқ вақт даволашни талаб этиладиган касалликка чалинган оилаларнинг дори-дармон ва даволашни харажатини қоплаш, биринчи даражада эҳтиёжлар учун "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағи ҳисобидан БҲМнинг 1 бараварига миқдорда озиқ-овқат, 5 бараваригача миқдорда кийим-кечак ва бошқа энг зарур товарлар билан таъминлаш чоралари кўрилади. Уй-жой шaroитига эга бўлмаган оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича олти ой давомида ҳар ойда ижара харажати, БҲМнинг 50 бараваригача бўлган миқдорда фақат бир маротаба уй-жойини таъмирлаш, жумладан, ўзгалар парваршига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг яшash шaroитини мослаштириш харажатларига кўмаклашилади.

Бундан ташқари, иситиш таъминотида узилган оилаларга бир йилда кўпи билан икки маротаба куз-қиш мавсумида БҲМнинг 1 бараваригача бўлган миқдорда коммунал харажатини тўлаб бериш, БҲМнинг 2 бараваригача бўлган миқдорда кўмир билан таъминлаш каби ёрдамлар кўрсатилади.

Оғир ва узоқ вақт даволашни талаб этиладиган касалликка чалинган оилаларга ёрдам кўрсатиш дастури доирасида БҲМнинг 10 бараваригача (3,8 миллион сўм) бўлган миқдорда дори-дармон билан таъминлаш, БҲМнинг 50 бараваригача бўлган миқдорда даволашни харажатларини яшash ва йўл харажати билан биргаликда қоплаш мумкин.

БҲМнинг 5 бараваригача бўлган маблағлар ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг банк пластик картасига ўтказиб берилади, қолган ҳолатларда эса тегишли маблағ шартнома асосида ўтказилади. Фуқаронинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги ижтимоий ходим томонидан кейс-менеджмент асосида ўрганилади ҳамда унга "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш бўйича тавсиянома шакллантирилиб, "маҳалла еттилик"га юборилади.

Тавсиянома "маҳалла еттилиги" томонидан умумий тартибда кўриб чиқилади ва ёрдам кўрсатиш ёки уни рад этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинади. Бу қарор бўйича туман (шаҳар) ҳокимлиги хузуридаги "Саховат ва кўмак" жамғармаларидан 1 ой муддатда молиялаштириш чоралари кўрилади.

Шофирконлик Донёв Ғайбуллаев ҳозир 32 ёшда, бир фарзанднинг отаси. Оила аъзолари 9 кишидан иборат. Ота-онаси пенсияда. Отаси 2-гурӯх ногирони, доимий даволашни туришга эҳтиёжи бор. Турмуш ўртовнинг ҳам кўзида нуқсон мавжуд. Оила камбағал оилалар реестрига киритилган. 9 кишилик оиланинг умумий даромади 3 миллион сўмдан зўрага ошарди. Бу ҳам отанинг ногиронлик нафақаси, онанинг пенсияси,



Донёвнинг ногиронлик нафақаси ва бола нафақаси ҳисобидан эди.

Масъуллар ушбу оиланинг ҳолатини тўлиқ ўрганиб, ёрдам беришни аллақачон бошлади. Донёв Ғайбуллаевга қаровчи тайинланди. Турмуш ўртоғи ҳам тиббий кўриқдан ўтказилиб, унга ногиронлик тайинлаш чоралари кўриляпти. Шунингдек, "Саховат ва кўмак" жамғармасидан 13 миллион сўм ажратилиб, оила истиқомат қилаётган уйнинг том қисми янгилан берилди. Ҳомийлик маблағи ҳисобидан оиллага бир бош қорамол ҳам ажратилди.

### Психологик қўллаб-қувватлов — мунаввар ҳаётга қадам

Ҳар бир инсон ҳаёти давомида катта-кичик синовларга дуч келади. Базилар бу синовларни енгиб ўтиш учун етарли куч ва имкониятга эга бўлса, базиларга эса бунинг учун руҳий ва ижтимоий қўллаб-қувватлов зарур. Шу нуқтага назардан, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази психологлари жамиятнинг ана шундай қатламга амалий ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис йиғилишларида сўзлаган нутқида таъйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга кўрсатиладиган ёрдамни кучайтириш зарурлигини таъкидлаган эди. Шу асосда жамиятга эътибор ва ҳимояга муҳтож инсонлар учун қатор тизимли чора-тадбирлар кўрилади.

— Шу чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида таъйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар учун психологик реабилитация марказлари ташкил этилди, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва ижтимоий иш методологияси бошқармаси бош мутахассиси, психолог Бобур Абдуллаев. — Бу ерда улар нафақат руҳий, галаб ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам ҳам олади. Шунингдек, ногиронлиги бор шахслар учун психореабилитация дастурлари ишлаб чиқилган. Бунда

уларнинг жамиятга фаол иштироки, меҳнат бозорига мослашуви учун махсус тренинг ва курслар ташкил этиб борилади. Етим ва ота-она қарамогидан маҳрум болалар учун психологик қўллаб-қувватлов дастурлари амалга оширилмоқда. Уларнинг ижтимоийлашуви, жамиятга мослашуви учун махсус мутахассислар билан ишлаш тизими йўлга қўйилди. Ижтимоий хизматлар марказлари орқали стрессни енгиш, шахсий ўсиш ва муаммоларнинг бартараф этиш бўйича психологик маслаҳатлар кўлами кенгайтирилди.

"Инсон" ижтимоий хизматлар марказининг асосий вазифаси ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш ва жамиятга интеграция қилишдан иборат.

Бугун марказ мутахассислари қатор ижтимоий гуруҳлар билан фаол ишламоқда. Улар орасида таъйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ижтимоий етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум қолган ёшлар, кам таъминланган оилалар ва муаммоли оилалар фарзандлари ҳамда ёлғиз кексалар ва ўзини ижтимоий ёлғиз ҳис қилувчи шахслар мавжуд.

"Инсон" ижтимоий хизматлар маркази психологлари ҳар бир мурожаатчи билан индивидуал шугулланиш, эҳтиёжларини аниқлаш ва мос ёндашув ишлаб чиқиш орқали самарали натижаларга эришмоқда.

### Турмушдан мамнун юраклар

Марказ психологларнинг ёрдами билан ҳаётда катта ўзгаришларга эришган, эришяётган юртдошларимиз бисёр. Келинг, улардан айримларининг сўзларини эшитамиз.

Олот туманида яшовчи Санобар Аҳмедова (исм-фамилия ўзгартirilган) таъйиқ қурбони бўлган аёллардан.

— Тақдиримда битилган экан, бир неча йил оилавий таъйиқ ва зўравонликка учраб келдим. Ўзимни ҳеч нарсага ароқсиздек ҳис қилардим, — дейди у. — Бир кун

таниш-билишларимдан эшитиб, "Инсон" ижтимоий хизматлар марказига мурожаат этиб, ҳаётимни ўзгартiriшга қарор қилдим. Марказ психологлари ҳолатимни атрофича ўрганиб, руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлади, атрофимдагиларга қайта ишонишга кўмаклашди. Ҳозир ўқимини давом эттирялман. Яқинда шахсий бизнесимни ҳам бошладим.

Косонсойлик Муҳаддас Ҳайдарова (исм-фамилия ўзгартirilган) ногиронлиги туфайли ўзини ҳаммиша жамиятдан четда туттишга ҳаракат қиларди.

— Бир неча йил ўзимни атрофимдагилар учун кераксиздек ҳис этиб яшадим, — дейди М.Ҳайдарова. — Аммо ижтимоий хизматлар маркази мутахассислари бефарқ қараб турмади, хатто менга ёрдам бериш учун ҳоли-жонимга қўймади. Уларнинг кўмаги туфайли касбий тренингларда қатнаша бошладим, ишга жойлашми учун кўмак олдим. Ҳозир шахсий тикувчилик цехим бор. Ўзим каби аёллар учун иш ўринлари оялман. Менга Ўзимни қайтадан кашф қилиш, ўзимга ишончимни оширишга ёрдам берган марказ психологларидан гашт миннатдорман.

### Янги имкониятлар сари

"Инсон" ижтимоий хизматлар марказининг одамларни рози қилиш йўлидаги ташаббуслари инсон қадрини улуглаш ва уларни тўлақонли ҳаётга қайтариш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлмоқда.

— Давлатимиз ижтимоий хизматлар марказлари орқали юртдошларимизнинг ҳаётга ишончини тиклаш, руҳий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва жамиятга ўз ўрини топиш учун шaroит яратиб бермоқда, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва ижтимоий иш методологияси бошқармаси бош мутахассиси, юридик масалалар бўйича масъул ходим Шаҳзод Исмомов. — Психологик ёрдам нафақат инсоннинг руҳий саломатлигини яхшилашди, балки ҳаётга муҳаббат билан қадам қўйишнинг ҳам таъминлайди. Агар сиз ёки яқинларингиз ижтимоий қийинчиликларга дуч келаётган бўлсангиз, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ҳар доим ёрдам беришга тайёр.

Айни вақтда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари томонидан 104 турдаги хизмат ва ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. Жорий йилда бу кўрсаткични 150 тага етказиш вазифаси белгиланган. Шунингдек, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ҳуқуқий масалаларда эксперт маслаҳатчиликнинг хизмат кўрсатиш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш, кейс-менеджмент модулини янги схема асосида такомиллаштиришни режалаштирмоқда. Шу билан бирга, марказ фаолиятини стандартлаштириш ҳамда хизматлар самардорлигини таҳлил қилиш, таҳлил асосида амалга ошириладиган чора-тадбирларни аниқлаш ва ишлаб чиқиш режалари ҳам белгиланган.

**Жонибек АЛИЖОНОВ,**  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

### Барча жараёнлар тизимлаштирилган

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизими бутунлай янги босқичга кирди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилганининг ўзидек ҳаракатларнинг нечоғлик залворли эканидан дўлолат. Қўллаб-қувватловдан мақсад ягона — одамларнинг розилиги. Қувонарлиси, натижага аллақачон эриша бошланди. Ҳўш, ижтимоий ҳимоя тизими ўз вазифасини қандай уқдалаяпти? Бу хизматларга одамлар қандай муносабат билдиряпти?

Оғир вазиятга тушиб қолган юртдошларимиз "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ходими томонидан аниқланыпти. Ҳозир ҳар бир маҳаллада ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилган.

— Ходимлар томонидан оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилалар аниқланади ҳамда ins.ihma.uz дастурининг E-case платформасида шахс ёки оила баҳолашдан ўтказилади, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва ижтимоий иш методологияси бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бекзод



**УШБУ МАҚОЛНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ҲҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

## Илм-фан тараққиёти

# ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОР ИШЛАНМАЛАР

## СОҲА РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Алишер САМАДОВ,**  
техника фанлари доктори, профессор

Жаҳондаги иқтисодий ва технологик ўзгаришлар металлургия соҳасида ҳам ўз аксини топмоқда. Янги технологиялар пайдо бўлиши, экологик стандартлар кучайиши, глобал рақобат муҳити кенгайиши, янги материаллар талаб қилиниши — буларнинг барчаси металлургияни модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш заруратини юзага келтирмоқда. Илмий тадқиқотлар металлургия соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш, янги технологияларни яратишга қаратилган бўлиб, соҳага инновацион ёндашувни талаб этмоқда.

Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали илмий изланувчиларнинг тадқиқотлари юқори қаттиқлик, чидамлик, енгилик ва бошқа хусусиятларга эга янги материаллар яратиш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга қаратилган. Бу борада йирик корхоналар — "Олмалик кон-металлургия комбинати", "Ўзбекистон металлургия комбинати" ва "Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятлари корхоналаридаги санот муаммолари ўрганилиб, илмий тадқиқот ишларига йўналтирилмоқда. Ана шундай илмий

тадқиқотлардан бири пўлат эритиш жараёнида ҳосил бўладиган шлаклардан марганец ажратиш ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган.

Металлургия шлаклари таркибида темир, марганец, кремний, кальций ва бошқа фойдали элементлар мавжуд бўлиб, улардан ишлаб чиқаришда қайта фойдаланиш мумкин. Бу шлаклардаги металлари металлургия жараёнига қайтариш ҳисобига табиий ҳомашёни сотиб олиш харажатино тежаш, шунингдек, чиқиндилар ҳажмини камайтириш мумкин. Бу эса атроф-муҳитга тушадиган босимни пайсаятириш ва санот чиқиндилари полигонларининг хизмат муддатини узайтиришга ёрдам беради. Пўлат эритиш жараёнида ҳосил бўладиган шлаклардан марганец ажратишнинг иқтисодий фойда келтиришини инобатта



олиб, шлаклар таркибидан марганецни ажратиш бўйича тажриба ишлари бажарилмоқда.

Ҳозирги давр талабига жавоб берадиган, асосан, экологик талаблардан келиб чиқиб, марганецни ажратиш олишда гидрометаллургия усулларидан фойдаланилади. Натижада кам миқдордаги сарф-харажат орқали 85 фоиз юқори тозалikka эга марганец таркибли маҳсулот ажратиш олинди. Бу маҳсулот пўлат эритиш жараёнида кислотасизлантйривчи қўшимча сифатида қўлланадиган ферромарганец олиш учун ишлатилади. Ферромарганец ишлаб чиқаришда марганец

маҳсулотининг асосий қисми четдан келтирилиши ва шлакни қайта ишлаш натижасида қолган қолдиқлар қурилиш маҳсулотини сифатида ишлатилишини инобатга олсак, бажарилаётган иш катта иқтисодий фойда келтиради.

Шунингдек, филиалнинг ёш илмий тадқиқотчилари томонидан мурракб таркибли полиметалл конлардан қимматбаҳо компонентларни комплекс ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқиш юзасидан илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ҳозир мурракб таркибли полиметалл рудаларни бойитиш анча қийинлашиб бормоқда ва металлургиянинг ажралиш даражаси йилдан йилга паст кўрсаткични кўрсатмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида руда таркибида қимматбаҳо компонентларнинг структуравий намоеён бўлиши қийин турдалиги ва руда захираларидаги қимматбаҳо компонентлар таркибини камлиги, майин хол-холлиги, заррачаларнинг тенг тақсимланмагани ва юқори дисперслиги таъкидланади. Шу сабабли мурракб таркибли полиметалл рудаларни бойитишга алоҳида ёндашув асосида технология ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этди.

Бугун дунёда мурракб таркибли полиметалл кон рудаларини бойитиш ва гидрометаллургия қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш, янги самарали технологияларни ишлаб чиқиш орқали мурракб таркибли полиметалл рудалар таркибидан

барча қимматбаҳо компонентларни комплекс ажратиш олиш бўйича илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Бундай илмий тадқиқотлар юртимиздаги захиралардан унумли фойдаланиш, дунё бўйича қимматбаҳо металлларга қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиб, руда таркибидаги металлларнинг катта қисмини ажратиш олиш, олинган хомакни бойитиш таркибидаги қимматбаҳо компонентлар миқдорини ошириш ва яна бошқа бир қанча имкониятларни беради.

Филиалимиз олимлари томонидан юқорида келтирилган руда майдони моддий таркиби, структуравий намоеён бўлиши, минералогик таркиби ва жойлашув шаклиларидан келиб чиқиб, ҳар хил бойитиш усулларида, турли хил дастохларда тадқиқот ишлари бажарилмоқда.

Қимматбаҳо компонентларнинг юқори ажралиш кўрсаткичига эришиш учун ҳозирги замонавий техника ва технологиялардан фойдаланилади. Натижада сарф-харажат камайиб, юқори самардорликка эришилади. Олинган бойитма таркибидаги компонентлар ва уларнинг ажралиш даражасидан келиб чиқсак, бажарилаётган тадқиқот иш мамалят учун юқори иқтисодий манфаатли экани ойдинлашади.

Худди шундай илмий тадқиқотлардан яна бири технологик эритмалардан кобальт ажратишнинг он алмашини услубини ишлаб чиқиш масаласидир. Сульфат ва нитрат кислотаси тутган кобальтнинг сунъий эритмаларидан санотда ишлатиладиган турли

табиатли ионитлар ёрдамида тургун ҳолатда кобальтни ютиш ва ювиб олиш шaroити ўрганилади. Кобальтни сунъий эритмалардан танланган ионит асосида ажратиб олишнинг термодинамик параметрлари аниқланади. Лаборатория шaroитида кобальтнинг технологик эритмасини олишнинг моделлаштириш имконини берувчи қурилма йиғилди ва синов ишлари учун турли эритма намуналари олинди. Динамик ҳолатда он алмашини услубида кобальтни ютиш ва ювиб чиқариш режимини ўрганиш имконини берувчи қарат ясалди. Унда техноген эритмадан кобальтнинг 96-98 фоизини ажратиш олиш шaroити аниқланади.

Ҳозир "Ўзбекистон технологик металлургия комбинати" АЖ хузуридаги Чирчиқ нодир металлургия ва қаттиқ қотишмалар заводидан кобальтни ажратиш олишда қўлланадиган чўктириш усулидан 20-25 фоиз самарадор, технологик қулай ва экологик хавфсиз усул ишлаб чиқилди. Четдан мамлакатимизга импорт қилинаётган ноё металл — кобальтга эҳтиёжнинг 70-75 фоизини қоплаш имконини берувчи технологияга асос бўлади. Агар 1 кило кобальтнинг Лондон биржасидаги нархи 21,5 доллар (280 мин сўм) экани ҳисобга олинса, ишланманнинг амалиётга киритилиши катта иқтисодий самара бериши равшанлашади.

Ушбу ишланмани "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ "Навоий машина-созлик заводи" ишлаб чиқариш бирлашмасида тажриба-синовдан ўтказиш учун инфратузилма мавжуд. Кейинчилик санот мифқадаси қўллашга корхона мутахассислари томонидан ҳам катта қизиқиш билдирилган.

Умуман олганда, тадқиқот иши санот технологиясини ривожлантириш, ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишнинг ижобий ечимини топишга қаратилган бўлиши керак. Илмий тадқиқотчилар, олимлар томонидан ҳар бир тадқиқот иши мана шундай мақсадлар асосида олиб боришмоқда.

Ёшлар ижодиёти фестивали

ФАРҒОНА БОҒЛАРИДА БАҲОР НАҲҚОР НАҒАСИ



Шерзода ҚОРАБЕКОВ олган суратлар.



“Деразмнинг олдидан бир туп, Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...”

Баҳор, янгилини, янги кундан дарак берган бу ўлмас мисралар неча ўн йиллар ўтса-да, ўз жозибаси, тароватини йўқотгани йўқ. У одамларни яхшилик, меҳр-оқибат ришталарини боғлашга ундайди. Ота-боболаримиз бу дамларни ерга амал келган фасл, тўкинлик, фаровонлик рамзи сифатида қадрлаган.

Фарғона — Кўқон қатта автомобиль йўли бўйлаб ястаниб кетган Қапчугай боғ-роғлари ана шу улғурлик, яратувчилик анъаналари билан янада файзли, гавжум. Бу бежиз эмас. Фарғона вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган “Ўрик гуллаганда” II халқаро ёшлар ижодиёти фестивалининг дастлабки тадбирлари Олтириқ туманидан бошланди.

Миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, она табиат ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, ёшлар оғидида миллий гурури, ватанпарварлик хислатларини юксалтириш мақсадида ташкил этилган фестиваль Наврўз сайилларига улашиб кетди.

Қапчугайнинг бепоён қир-адирликларидagi ўрикзорлар кўйида халқ ижодиёти намуналари, китоблар, либослар, миллий

хунармандчилик маҳсулотлари намойиш қилинди. Халқ дасталари, маданият уйлари ансамбллари, хушовоз хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар кўнгиллarga баҳорий кайфият улашди.

— Наврўз асрлар давомида баҳор, эзгулик, меҳр-оқибат, меҳнат ва бунёдкорлик рамзи сифатида эл-юртимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида беқис ўрин тутиб келмоқда, — дейди Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Шерзода Полвонов. — Ушбу гўзал фаслнинг эзгу қадриятлар туғайли юртимизда аҳоли мафлағлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, эҳтиёжманда қатламларни қўллаб-қувватлаш, жамиятнинг ҳеч бир аъзосини меҳр ва эътибордан четда қолдирмаслик, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш устувор вазифамизга айланди. Айтаётганимиз билан “Яшил иқтисодиёт” йилида нишон-

ланаётган байрам шодиёналари асрлар бўйи шаклланиб келган миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, бойитиш, ривожлантириш, ёшлар тафаккурида она табиатга ижобий муносабат уйғотиш, меҳр-саховат анъаналарини ривожлантиришда ўзига хос аҳамиятга эга. Бундай фараҳбахш байрамлар барча шаҳар ва туманларда ўтказилди.

“Қадриятларнинг боқий бўлиши, Наврўз!” деган бош ғоя асосида ўтказилган фестиваль доирасида баҳор мавзусидаги расмлар танлови, “Нон — ризқ-рўзимиз” ширин остида кўргазма, фарғонача палов пишириш мусобақаси, болалар ўртасида варрак учир-ириш беллашуви, расмомлик, миллий либослар намойиши, дорбозлар чиқишлари, спорт беллашувлари ўтказилди. Уларнинг ҳар бири қизиқарли ва бахсаларга бўй ўтди. Асосийси, қалбларда ёлқинлаб турган самимият, бирдорлик ва ҳамжиҳатлик анъаналари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Олтириқ туманидаги 40-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Саидхон Ортиқова фестивалда “Ўрик гуллари” расмлар тўплами билан иштирок этди. Ранг-бўёқ услубида ишланган

ўрик гуллари, яшил майсазорлар узра қўқиблаб бораётган беғубор болалиқнинг кун-вончи-шодликлари оддий қоғозда маҳорат билан акс этгани кўпчилигининг эътиборини тортади. Унда болаларга хос беғуборлик, оддийлик намоеён.

— Ҳар фаслнинг ўз таровати, жозибаси бор. Аммо баҳор алоҳида ажралиб туради, — дейди ёш расмом. — Бир йилдан буён мактабимизда ташкил этилган “Ёш расмомлар” тўраги аъзосиман. Устозларнинг кўмагида она табиатнинг ўзига хос манзараларини тасвирлаш, асраб-авайлаш йўлидаги сай-ҳаракатлар, яшил олам гўзалликларини ижодий ишларим орқали кўрсатишга ҳаракат қиламан. Бу ерда бошқа тенгқурларимнинг ижодий ишлари, изланишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Бу янги мақсад ва ижодкорликка ундамоқда.

— Фестиваль дастуридан ўрин олган мусобақада ўзим тайёрлаган варрак билан иштирок этияман, — дейди тумандаги 1-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Муҳаммадризо Хикमतов. — Кенг майдон узра варрак учирининг гашти, шуқуҳи ўзгача бўларкан.

Тайёрлаб келган варрагим энг юқори ва узоқ учган варраклар қаторидан жой олди. Келгусида учувчи бўлмоқчиман. Шунга ҳаракат қияяман.

Ўрик гуллари ошуфта, бошига оқ рўмол ташлаб олиб, дилдан суҳбат кураётган дилбар оналар эътиборимизни тортди.

— Беғубор болалик дамларини соғиниб яшайман, — дейди “Қапчугай” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган Ўйтибор ая Қодирова. — Баҳор келса, толпоқудан соч тараб, қизлар билан тўптош ўйнаб, сумалак сайиллари учун ёғочдан қошиқлар тайёрларди. Наврўз байрами таққиланган, сумалак пишириш, миллий кийим кийиш, ўйинларни ўйнаш эскилик сарқити сифатида қораланган даврлар ҳам бўлган. Шуқури, бугун ундай эмас, аксинча, азалий қадриятларимиз қайта жонлантириб, болаларимиз ўзбекона урф-одатларимиз, анъаналаримиз асосида тарбиялантипти.

Фестиваль халқлар дўстлиги, миллатлараро тотувлик байрамга айлиниб кетди. Унда вилоятда фаолият юритаётган миллий маданият марказлари, хорижий меҳмонлар ҳам иштирок этди.

— Юртимизда ҳам шунга ўхшаш “Туллар байрами” ўтказилди. Аммо бугунги фестивал шуқуҳидан завқландим, — дейди Фарғона шаҳридаги Корея халқаро университети проректори Парк Декён. — Айниқса, миллий либосдаги ёшлар, нурунийлар, миллий таомлар, урф-одатларга йўғрилган кўргазмалар, ёшлар сай-ҳаракати билан яқиндан танишдим. Кўрганларимни ҳамюртларимга етказаман, уларни бу жиғиб ўлкага саёҳат қилишга, меҳмонга келишга чорлайман, албатта.

Фестиваль тадбирлари оқшомга қадар давом этди. Қийғос гуллаган ўрикзорлар халқ лапарлари, болаларлар кулиси, нурунийлар дуоси ила янада файзли тус олди. Фаол иштирокчилар аниқланиб, муносоиб рағбатлантирилди.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Анъаналар сийқиласи

Шарқда анъанавий қадриятлар шаклланишига таъсир этган энг муҳим омиллардан бири, қанчалик галати эшитилмасин, ҳўжалик юритишда суғорма деҳқончиликка асосланганлиқдир. Боиси, суғорма деҳқончилик мустақкам жамоа бўлиб ўтрок яшашни тақозо қилди. Сўнг айнан шу фаолият тури этник жамоалар феълида

муайян тизимдаги умумий хислат ва фазилатларни шакллантирди. Аста-секин ўтроклашувнинг маданий тус олиши эса ўзига хос анъанавий қадриятлар тизимини вужудга келтирди. Жумладан, зироатчилик ер ва сувга ихлос, жамоавийлик бугунги маҳалла, қишлоқ бирдамлигининг асоси бўлиб хизмат қилди.

КўКЛАМ МАРОСИМЛАРИ ХАЛҚ БИЛАН БИРГА ЯШАЁТГАН МАДАНИЯТ

Тугилиб ўсган жойга боғланганлик, аждодлар хотирасига садоқат, оилапарварлик, қариндош-уруғчилик, урф-одатларни қадрлаш, хушчақчақлик, тўй-томошалар кўплиги, хилма-хиллиги, андиша кучлилиги, маънавий сахийлик, миллий пазандалиқнинг бойлиги ва бошқа кўплаб хусусиятлар анъанавий қадрият сифатида авлодлардан авлодларга узатиб келинди. Демак, оддий суғорма деҳқончиликни анъанавий қадриятларнинг бешиги сифатида баҳоқласак бўлади.



ҳамроҳлик қилди. Инсон маданият орқали тарихини, бугунини, келажакни тасаввур қилиш, баҳолаш, шу тарихга зарур сабоқ ва хулосалар чиқариш имконига эга бўлди. Қадрият ва маданият уйғунлиги баъзан бутун бир миллат тафаккурида бетакрор мўъжизалар содир бўлишига замин яратди. Шундай мўъжизалардан бири табиат ва жамиятдаги янгилишни ўзида ажойиб тарзда муҷассам этган Наврўз байрамидир. Наврўз сайли халқимиз дунёқарашини, турмуш тарзини, ўзига хос миллий анъаналари ва бадий тафаккурининг ҳар бир ютуғидан қач олиб, асрлар давомида янада тўлиқиб, янгилиниб, баркамоллашиб келган қадим

беллашуви, маҳалла-кўй ободонлиги кўриги ўтказилди.

Аждодларимиз асрлар бўйи Наврўз оқшом катта-катта дошқозонларда сумалак қайнапти, янги йил баракали, қутли ва серҳосил келишига умид боғлаган. Сумалак пишираётган онахонлар қадимий халқ қўшиқларини, байт-ғазалларини айтиб, байрам файзига файз қўшган. Халқимиз орасида сумалак пишириш билан боғлиқ анъана ва удулар, эътиқод ва инонлар бўлган. Шундай қадимий анъаналардан бири ашшадарози маросимидир.

Бу маросим сумалак пиширилаётганда ўтказилган. Унинг учун икки ярим-уч метрлар чамаси узунликдаги таёқнинг учидан ярим метрлар настроғидан кўндаланг қилиб кичик-кўч бир таёқ боғланган. Юқори қисмида қўл шакли ҳосил қилиниб, ана шунга узун бўйли бир аёйнинг қўйлаги кийгизилган. Таёқнинг учига бир рўмол ҳам тангиб, одам бошига ўхшатиб қўйилган. Узун бўйли ёғоч кўғирчоқ бошига хоразмча дўппи кийгизиб, устидан оқ ипак рўмол ташланган. Узун қўйлаки бу кўғирчоқ “Ашшадарози” деб аталган. Аёллардан бири кўғирчоққа кийгизилган узун қўйлакнинг ичига кириб олиб, Ашшадарозини кўтариб, сумалак пиширилаётган жойга олиб борган. Одатда сўзга чечан, халқ қўшиқларини маҳорат билан ижро эта оладиган аёлга Ашшадарози роли топирилган. У узун қўйлаки сарвқомат кўғирчоқ — келинчакни кўтарганча даврга кириб борар экан, сумалак сайлга йиғилган аёллардан бири эркакча кийиниб ўртга чиқадиди, бундай қўшиқ бошлайди:

Ашшадарози меварам, Вақти намози меварам, Ўн бармоғини ўйнатиб, Боққан онамга бир салом!

Шунда Ашшадарози аввал сумалак сайлига бош-қош бўлиб турган табаррук момоларга, қайноналарга, сўнг барча давра аҳлига таъзим қилиб, салом беради. Қиз-жувонлар унинг тавозе билан эгилиб салом беришини

эўр хурсандчилик билан олқишлайди. Эркакча кийинган хотин билан Ашшадарози ролини бажараётган аёл ўртасидаги айтишув эса давом этади.

Шу каби маросимлар мағзида халқимизнинг қадим қиш ва ёз ҳақидаги дунёқарашини, мифология тасаввурлар тизими туради. Сабаби қадимги одамнинг табиатни тушуниши ва воқеликни идрок этиши гоёт мураккаб тафаккур ҳодисасидир. Аждодларимиз ўзини ўраб турган моддий оламнинг сир-асрорларини тушунишга, табиий ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ҳаракат қилар экан, бутун борлиқни борица қабул қилган. Дунёдаги моддий мавжудликнинг пайдо бўлиши, муайян табиий ҳодисаларнинг рўй бериш сабаблари, табиат ва инсон муносабати масалаларини қадимги одам онгиде асотирий тарзда талқин этилган. Олам ҳақидаги ана шу энг қадимги эътиқодий қарашлар асосида дастлабки мифология тасаввурлар тизими келиб чиққан. Бу эса, ўз навбатида, қадриятлар шаклланишига туртки берган.

Халқимизнинг баҳор фасли билан боғлиқ анъанавий маросимларидан яна бири халинчак учидир. Анъанага кўра, байрам кунлари қиз-жувонлар тўпаниб, боғ сайрига чиққан. Азим ўрикларнинг бақувват шохига арқон ташлаб, халинчаклар ясаган ҳамда ҳамма навбати билан аричмоқ учган. Кимки Наврўзда аричмоқ утса, йил бўйи билиб-билмай қилган гуноҳлари тўқилади деб тушунилган. Шу боис, кекса момолар ҳам “Аричмоқ учсақ, савоб бўлади. Оғирлигимиз ерга тўқилади, енгиллигимиз ўзимизда қолади, қушдек овоз бўлмасин”, деб, ҳазил-хузул билан халинчак учган. Набиралари эса момоларимизнинг ёшига етайлик деган эзу ниятда аричмоқнинг ипидан тутиб ҳаракатлантирган.

Маросимларини эскилик белгиси, қотиб қолган вақтнинг фойдаланиб бўлмас дақиқалик сифатида қабул қилувчи баъзи ёшлар турғунлик хос бўлмаган, ҳар галги ижросида ўзгариб, янгилиниб турган, шу орқали бадий тил имкониятлари кенгайишига хизмат қилган айтимлар, аллалар, арқаламалар, мавсум қўшиқларидан беҳабар экани аниқ. Ушбу маросим қўшиқлари шунчаки сўз санъати намунасинга эмас, балки халқнинг тил захираси, тушунча ва тафаккур тарзини бор буй-баста билан ўзида акс эттирган, мазийдан то бугунгача жонли ҳолатда халқнинг ўзи билан бирга яшаб келаётган доимий ҳаракатдаги тарихи ва маданиятидир. Шунинг учун эътибор берган бўлсангиз, тилшунос

олимлар тил тарихини ўрганишда халқ оғзаки ижоди намуналарига суяниб иш қилди. Боиси, тилдаги ҳар бир сўз ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У зарурат туғайли тарихий тараққиёт жараёнида юзага келади ёки ўзлашади.

Масалан, нега бахшичилик сунъий идрок замонида ҳам мавжуд, бемалол яшамокда, шунга куч топмоқда? Чунки улар, яъни бахшиларимиз халқ тили имкониятларидан унумли фойдаланади, ҳар галги ижросида бадий тил товланиши, янгича мазмун-моҳият касб этишини исботлаб беради. Халқ оғзаки ижоди оғзаки ижро этилгани учунгина эмас, балки ижро жараёнида юзага келадиган санъат асари бўлгани учун ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Оддий, аксариятимиз бекорчиликдан ўйлаб топилган деб қарайдиган миллий ўйинларимизда ҳам ўзига яраша гоё муҷассам. Халқ ўйинлари фаровон турмуш тарзига ингилиш жараёнида пайдо бўлди ва шаклланиб, ривожланди. Аждодларимиз доғишмандингнинг меваси сифатида кашф этилган ушбу маданий меросимизни кўплаб турларга ажратиш мумкин. Дастлаб ҳаракатли ўйинлар вужудга келган бўлса, кейинчалик улар сафий маънавий ва ақлий ўйинлар билан кенгайди. Азалдан ота-боболаримиз халқ ўйинларини инсон ҳаётидаги бўшлиқни тўлдирадиган, танасидаги ортиқча кучни сарфлашга, етмаганини эса тўплашга ёрдам берувчи восита деб билган. Шу боис, болаларга ҳам ёшлиқидан миллий ўйинларни ўйнаш танани чинқиртириш билан бирга иродани ҳам мустақкамлаш уқтирилган.

Маданият шундай. У этногенезда ҳал қилувчи ўрин туттади. Шу вақтга қадр маданиятсиз бирор халқ, миллат ижтимоий-этноик бирик сифатида шаклланган эмас. Айнан ўзига хос маданияти орқалигина у мавжуд. Шунинг учун ҳам халқ, миллат шаклланишининг тарихи маданиятнинг тарихи билан боғлиқ. Ундан миллий ўзлиқни англаш ҳам четда қолмайди. Миллий ўзлиқни англаш эса халқ этногенезининг ҳам, миллий-маданий тараққиётнинг ҳам асоси ва юксак чўққисидир. Айнан маданият ва маданий бойликлар яратиш иштиёқи, зарурати халқ, миллатни ўзини англашга ундайди. Маданият орқали у ўзининг ижодий кучини, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқаради, ўз-ўзини тўла намоеён қилади.

Азизбек ЮСУПОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рқ билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146. 37346 нусxada босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Боборовшан Ғозиддинов Мусахҳ: Аслиддин Абдуразақов Дизайнер: Хуришд Абдуллаев